Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

«СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ» — ОРГАН ЦЕНТРАЛЬНОГО КОМИТЕТА КОМПАРТИИ УЗБЕКИСТАНА, ВЕРХОВНОГО СОВЕТА И СОВЕТА МИНИСТРОВ УЗБЕКСКОЙ ССР

49 йил чиқиши, № 89 (13.649). 15 АПРЕЛЬ, 1967 йил ШАНБА Баҳоси 2 тийин.

Ўзбекистон ССР Олий Советининг мажлиси тўғрисида
ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

14 апрелда Тошкентда Ўзбекистон ССР еттинчи чақириқ Олий Советининг биринчи сессияси ўз ишини давом эттирди.

Олий Советнинг учинчи мажлиси эрталаб соат 10 да республика Олий Советининг Раиси депутат **С. Х. Сирожиддинов** раислигида бошланди.

Ўзбекистон ССР аҳолисига маданий-маиший хизмат кўрсатишнинг аҳволи ва уни янада яхшилаш чоралари тўғрисида республика Министрлар Совети Раисининг ўринбосари депутат **М. Мирзааҳмедов** доклад қилди.

Сессиянинг тасдиқланган кун тартибига мувофиқ, кун тартибидаги еттинчи ва саккизинчи масалалар юзасидан Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари депутат **С. О. Азимов** ва **М. Мирзааҳмедовларнинг** докладлари бирданига муҳокама қилинди. Музокараларда Тошкент область ижроия комитетининг раиси **Э. Т. Шайхов**, депутатлардан **К. С. Зокиров** (361-Сўх сайлов округи), **Д. Ешимбетов** (455-Шуманай сайлов округи), **Г. И. Скоробогатов** (177-Бирлашган сайлов округи), **С. Знёмов** (226-Бешкент сайлов округи), **В. В. Окунский** (2-Кафанов сайлов округи), **М. Иброҳимов** (363-Жўйрак сайлов округи), СССР соғлиқни сақлаш министрининг ўринбосари **П. Н. Бургасов**, депутатлар **М. Н. Хантов** (251-Ленин сайлов округи), **Л. Рафурова** (337-Жиззах сайлов округи), **А. З. Завьялов** (432-Қизкетген сайлов округи), **М. Худойбергенов** (413-Қораман сайлов округи), **Е. Н. Мамаева** (184-Бухоро шаҳар марказий сайлов округи), **Х. А. Шоғазатов** (221-Деҳқонобод сайлов округи), **Ф. Т. Чупрунов** (326-Октябрь сайлов округи) сўзга чиқдилар.

Олий Совет қарорлар қабул қилди. Мазкур қарорларда республикада соғлиқни сақлашни янада ривожлантириш ва аҳолига коммунал-маиший хизмат кўрсатишни ривожлантириш тадбирлари белгиланган.

Ўзбекистон ССР еттинчи чақириқ Олий Советининг биринчи сессияси шу билан ўз ишини тамомлади.

СОВХОЗЛАРНИ ВА БОШҚА ДАВЛАТ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК КОРХОНАЛАРИНИ ТЎЛА ХЎЖАЛИК ҲИСОБИГА ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советида

Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришда иқтисодий рағбатлантиришни кучайтириш ҳамда совхозлар ва бошқа давлат қишлоқ хўжалик корхоналари ходимларининг корхоналар иш натижаларини яхшилашдан моддий манфаатдорлигини ошириш мақсадида КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Совети «Совхозларни ва бошқа давлат қишлоқ хўжалик корхоналарини тўла хўжалик ҳисобига ўтказиш тўғрисида» қарор қабул қилдилар.

Қарорда совхозлар, наслчилик ва от заводлари, парранда фабрикалари, питомниклар, қишлоқ хўжалик тажриба ҳамда ўқув-тажриба хўжаликларини ва бошқа давлат қишлоқ хўжалик корхоналарини секин-аста тўла хўжалик ҳисобига ўтказиш кўзда тутилади.

Тўла хўжалик ҳисобига ўтказилган хўжаликлар барча ишлаб чиқариш харажатларининг қопланишини, бундан бўён кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришни (ишлаб чиқариш мақсадлари учун капитал маблағлар сарфлаш, асосий подани вужудга келтириш, ўз оборот маблағларини ўстириш ва ҳоказо) амалга оширишини, иқтисодий рағбатлантириш фондлари ва бошқа фондларни барпо этишни, шунингдек банк кредитларининг ўз маблағлари ҳисобига ўз вақтида қайтарилишини таъминлайдилар.

СССР Қишлоқ хўжалик министрлигига иттифоқдош республикалар Министрлар Советлари билан келишиб тажриба тариқасида 1967 йилда 390 совхоз ва бошқа давлат қишлоқ хўжалик корхоналарини тўла хўжалик ҳисобига ўтказиш вазифаси топширилди.

Тўла хўжалик ҳисобига ўтказилган совхозлар ва бошқа давлат қишлоқ хўжалик корхоналарининг давлатга сотадиган қишлоқ хўжалик маҳсулотига қолхозлар учун белгиланган устамалар билан биргаликда ҳарид нархлари билан ҳақ тўланиши белгилаб қўйилди. Тўла хўжалик ҳисобига ўтказилган совхозлар ва бошқа давлат қишлоқ хўжалик корхоналари маҳсулотларини савдо шохобчаларига ва бевосита истеъмолчиларга сотаётганларида улар учун мавжуд сотиш тартиблари ва ҳисоб-китоб шартлари сақлаб қолинди.

КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Совети тўла хўжалик ҳисобига ўтказилаётган совхозлар ва бошқа давлат қишлоқ хўжалик корхоналарининг хўжалик мустақиллигини кенгайтиришни ва шу муносабат билан юқори ташкилотларнинг мазкур хўжаликлар учун тасдиқлаб берадиган план кўрсаткичлари сонини қисқартиришни ва план топшириқларини қуйидаги кўрсаткичлар билан чеклашни зарур деб топдилар:

ишлаб чиқариш соҳасида — давлатга халқ хўжалик планида кўзда тутилган энг муҳим маҳсулот турларини натура ҳисобида сотиш ҳажми, ихтисослаштирилган хўжаликларда эса, бундан ташқари, тегишли маҳсулот турлари (наслдор ёш моллар, сортли уруғликлар, кўчатлар ва бошқалар) сотиш ҳажми;

меҳнат соҳасида — иш ҳақи умумий фонди.

молия соҳасида — умумий фойда суммаси, бюджетдан ажратилган маблағлар ва қишлоқ хўжалик мақсадидаги асосий ишлаб чиқариш фондларига тўловлар.

Шу билан бирга тўла хўжалик ҳисобига ўтказилган совхозлар ва бошқа давлат қишлоқ хўжалик корхоналарининг планда кўрсатилган фойданинг умумий суммасини шу хўжаликларнинг ўзи белгилаб, юқори органлар томонидан тасдиқланиши кўзда тутилади. Шу хўжаликлар учун кўрсатилган тартибда тасдиқланган фойда суммаси СССР давлат бюджети лойиҳасини тузишда назарда тутилади;

капитал маблағлар соҳасида — марказлаштирилган капитал маблағлар умумий ҳажми, шу жумладан, қурилиш-монтаж ишлари ҳажми ва марказлаштирилган капитал маблағлар ҳисобига асосий фондларнинг пул ҳисобида ишга туширилиши;

материал-техника таъминоти соҳасида — юқори ташкилотлар тақсимлайдиган тракторлар, автомобиллар, қишлоқ хўжалик машиналари, ускуналар, ўғитлар, биноқорлик материаллари ва бошқа ишлаб чиқариш воситалари ҳажми.

Тўла хўжалик ҳисобига ўтказилган корхоналар планларининг бошқа кўрсаткичларини юқори ташкилотлар тасдиқламайди, уни корхоналарнинг ўзлари ишлаб чиқади ва улардан план органлари план тузишда ҳисобга олинадиган материаллар сифатида фойдаланади.

Совхозларнинг ва бошқа давлат қишлоқ хўжалик корхоналарининг ишлаб чиқариш асосий фондларидан яхшироқ фойдаланишдан манфаатдорликларини ошириш мақсадида белгилаб қўйилдики, тўла хўжалик ҳисобига ўтказилган корхоналар ҳақиқатда олинган фойдадан бюджетга қишлоқ хўжалигида ишлатиладиган ишлаб чиқариш асосий фондлари қийматининг бир проценти миқдорида шу фонд учун ажратма чиқариб берадилар (бундан маҳсулдор ва иш ҳайвонларининг ҳамда кўп йиллик дарахтларнинг қиймати мустаснодир). Хўжаликни мустаҳкамлаш ва кенгайтириш фонди ҳисобидан вужудга келтирилган ишлаб чиқариш асосий фондлари учун икки йилгача ҳақ олинмайди ва банк кредитлари ҳисобида вужудга келтирилган ишлаб чиқариш асосий фондлари учун бандан олинган қарз тўланиб бўлгунча ҳақ олинмайди, шунингдек тегишли тармоқларнинг эҳтиёжига хизмат кўрсатувчи корхоналардаги (цехлар, участкалар, установкалардаги) тажриба тариқасида ташкил этилган ишлаб чиқаришларнинг асосий ишлаб чиқариш фондлари учун ҳам ҳақ олинмайди. Рентабеллиги реализация қилинган маҳсулот таннархининг 25 процентидан кам бўлган корхоналар фондлар учун ҳақ тўлашдан озод қилинадилар.

Шу нарса белгилаб қўйилдики, тўла хўжалик ҳисобига ўтказилган совхозлар ва бошқа давлат қишлоқ хўжалик корхоналари қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ишлаб чиқариш асосий фондлари учун бюджетга тўланадиган ҳақнинг миқдори белгилаб олинганидан кейин фойданинг умумий миқдоридан қуйидаги ажратмаларни берадилар:

моддий рағбатлантириш фондига планда фойдадан 15 процент, аммо пландан ташқари олинган фойдадан эса, бу ажратиладиган норма, юқори органнинг қарорига биноан, 50 процентгача камайтирилади, аммо ажратмаларнинг умумий миқдори иш ҳақи йиллик фондининг 12 процентидан ошмаслиги керак;

социал-маданий тадбирлар ва уй-жой қурилиши фондига — 10 процент;

эҳтиёт фондига — 20 процент;

хўжаликни мустаҳкамлаш ва кенгайтириш фондига — 10 процент.

Фойданинг қолган қисми Бутуниттифоқ социалистик мусобақаси бўйича мукофотлар тўлашга, ўз оборот маблағларини ўстиришни, асосий подани вужудга келтиришни пул билан таъминлашга, банк кредитларини узишга, марказлаштирилган капитал ишларни маблағ билан таъминлашга, уй-жой — коммунал хўжаликнинг зарарларини қоплашга ва бошқа харажатларга сарфланади.

Шу нарса кўзда тутилиб қўйилдики, тўла хўжалик ҳисобига ўтказилган совхозлар ва бошқа давлат қишлоқ хўжалик корхоналарида хўжаликни мустаҳкамлаш ва кенгайтириш фонди фойдадан чиқариб қўйилган ажратмалар ҳисобидан, амортизация ажратмаларининг асосий фондларни тўла тиклаш учун мўлжалланган қисмидан, шунингдек керакси бўлиб қолган ва ошикча мулкни — асосий фондларни реализация қилишдан келган пул ҳисобидан вужудга келтирилади, аммо чорва молларни бракка чиқаришдан келган маблағ бундан мустаснодир, чунки бу маблағ асосий подани вужудга келтириш билан боғлиқ бўлган харажатларга сарфланади. Амортизация ажратмаларининг мазкур фондига бериладиган миқдори тегишли министрликлар томонидан асосий фондларни тўла тиклаш учун мўлжалланган амортизация ажратмаларининг 30 процентигача бўлган миқдори доирасида белгиланади.

Амортизация ажратмаларининг, асосий подадан чорвани брак қилишдан келган маблағларнинг, моддий рағбатлантириш фондининг, социал-маданий тадбирлар ва уй-жой қурилиши фондининг, шунингдек хўжаликни мустаҳкамлаш ва кенгайтириш фондининг фойдаланилмаган қолдиқлари келгуси йилга ўтказилади, бу қолдиқлар совхозлар ва бошқа давлат қишлоқ хўжалик корхоналаридан тортиб олинмайди.

Министрликларга, область, ўлка қишлоқ хўжалик бошқармаларига ва совхоз трестларига ўзларига қарашли корхоналарда моддий рағбатлантириш фондига чиқариладиган ажратмаларнинг миқдорини табақалаштириш ҳуқуқи берилди, аммо моддий рағбатлантиришнинг умумий фонди тўла хўжалик ҳисобига ўтказилган совхозлар ва бошқа давлат қишлоқ хўжалик корхоналарининг фойдаларидан чиқариб бериладиган ажратмалар министрлик, ўлка, область, қишлоқ хўжалик бошқармаси ва трест бўйича ўрта ҳисобда 15 процентдан ошмаслиги ва ҳар бир корхона йиллик иш ҳақи фондининг 12 процентидан ошмаслиги керак.

Совхозларнинг ва бошқа давлат қишлоқ хўжалик корхоналарининг директорларига касаба союз ташкилотлари билан келишиб туриб, ҳар қайси фонддаги маблағнинг 20 процентгача бўлган қисмини моддий рағбатлантириш фонди билан социал-маданий тадбирлар ва уй-жой қурилиши фонди ўртасида қайта тақсимлашларига рухсат берилди.

Шу нарса белгилаб қўйилдики, совхозларнинг ва бошқа давлат қишлоқ хўжалик корхоналарининг ходимлари иш ҳақи тўлаш тўғрисидаги амалда мавжуд низомларда белгиланган мукофотлардан ташқари, моддий рағбатлантириш фонди ҳисобидан моддий рағбатлантирилаверадилар.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети шуни белгилаб қўйдиларки, тўла хўжалик ҳисобига ўтказилган совхозлар ва бошқа давлат қишлоқ хўжалик корхоналарига планда кўзда тутилган ва марказлаштирилган капитал ишларга керакли маблағлар қуйидаги манбалар ҳисобидан пул билан таъминланиб туради:

қишлоқ хўжалик техникаси, транспорт воситалари ва ускуналар сотиб олиш, ишлаб чиқариш объектлари қуриш ва ишлаб чиқариш учун керакли бошқа капитал қурилишлар учун керакли маблағ асосий фондларни тўла тиклашга сарфланадиган фойда, амортизация ажратмалари ва хўжаликнинг бошқа ўз маблағлари ҳисобидан олинади, айрим йилларда шу маблағлар етишмай қолган тақдирда эса, банк томонидан колхозлар учун белгиланган муддатларда ва шартлар билан бериладиган узоқ муддатли кредит ҳисобидан ҳам олинади.

Тўла хўжалик ҳисобига ўтказилган совхозларга ва бошқа давлат қишлоқ хўжалик корхоналарига ишлаб чиқариш аҳамиятига эга бўлган капитал қурилишларни пул билан таъминлашга ва асосий подани вужудга келтиришга планли фойданинг мазкур мақсадлар учун мўлжалланган қисми миқдорида қисқа муддатли кредит берилади, бу кредит бутун йил бўйи ҳақиқатда олинган фойда ҳисобидан ва эҳтиёт фондининг маблағлари ҳисобидан узилади. Хўжаликлар капитал ишларга мўлжалланган ва планлаштириб қўйилган фойдани ўз ишлаб чиқариш фаолиятларига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра, ололмай қолсалар, бундай ҳолда тўла хўжалик ҳисобига ўтказилган совхозларга ва бошқа давлат қишлоқ хўжалик корхоналарига ўзларининг илтимосларига биноан, беш йилгача муддат билан узоқ муддатли кредит берилади;

уй-жой бинолари, мактаблар, медицина ва болалар муассасалари, клублар, ҳаммомлар ва бошқа маданий-маиший объектлар, мелиорация ва ирригация иншоотлари, электр линиялар қуришга, шунингдек амалдаги қонунларга мувофиқ қилинадиган бошқа харажатларга давлат бюджети маблағлари ҳисобидан кредит берилади;

янги корхоналар, паррандачилик фабрикалари, парник-теплица комбинатлари ҳамда чўчқа ғўшти, сут ва бошқа чорвачилик ва паррандачилик маҳсулотлари етиштириладиган комплекслар қуришга — давлат бюджети маблағлари ҳисобидан ҳамда бошқа корхоналардан олинадиган фойдаларни қайта тақсимлаш ҳисобидан кредит берилади.

Тўла хўжалик ҳисобига ўтказилган совхоз ва бошқа давлат қишлоқ хўжалик корхоналари ўз оборот маблағларининг ўсиши ва шу корхоналарнинг фойдалари, бошқа ўз манбалари ва банк кредитлари ҳисобидан таъминланади.

Маҳсулдор ва иш ҳайвонларининг асосий подасини вужудга келтириш харажатлари давлат қишлоқ хўжалик корхоналарининг ўз маблағлари (фойда, брак қилинган чорва молларни реализация қилишдан келган пул ва шу кабилар) ҳисобидан, бу маблағлар етишмай қолган тақдирда эса — банкнинг икки йилгача муддат билан берадиган кредит ҳисобидан пул билан таъминланиши лозим.

Тўла хўжалик ҳисобига ўтказилган совхозлар ва бошқа давлат қишлоқ хўжалик корхоналари давлат планини бажаришни таъминлаган ҳолда ишлаб чиқариш — хўжалик фаолияти масалаларини мустақил ҳал қиладилар, жумладан:

қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотиш бўйича юқори органларнинг корхоналарга берган план топшириқлари асосида, шунингдек маҳсулот тайёрловчи, савдо қилувчи, реализация қилувчи ташкилотлар ва саноат корхоналари билан хўжаликларнинг планлаштирилган ташқари маҳсулотни сотиш имкониятини ҳисобга олиб тузган шартномалари асосида ишлаб чиқариш ҳажмини планлаштирадилар;

меҳнат унумдорлигини, маҳсулот таннархини, ходимлар сонини планлаштирадилар ва корхонани бошқаришнинг энг рационал структурасини ўзлари белгилайдилар;

қилинган сарфларнинг ва маҳсулот ишлаб чиқаришнинг миқдорига қараб иш ҳақи фонди бўйича олдинги кварталларда тежалган маблағлардан кейинги кварталларда иш ҳақи тўлаш учун фойдаланадилар, шунингдек йиллик фонд доирасида кейинги кварталларнинг маблағларидан иш ҳақи тўламоқ учун қарз олиб турадилар;

инженер-техник ходимларнинг сонини белгилайдилар.

Тўла хўжалик ҳисобига ўтказилган совхозлар ва бошқа давлат қишлоқ хўжалик корхоналари ўз оборот маблағларининг сақланиб қолишини таъминламасалар (оборот маблағларининг камайиб кетиши хўжаликка боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра рўй берган ҳоллар бундан мустаснодир), улар ўз оборот маблағларининг камайиб кетган қисмини галдаги даврларда қўшимча фойда олишни таъминлайдиган ташкилий — техникавий тадбирлар ўтказиш йўли билан, зарур бўлиб қолган ҳолларда эса фойдадан хўжалик фондига бериладиган ажратмаларни 30 процентгача бўлган миқдорда вақтинча (икки йилгача) камайтириш ҳисобидан тўлдиришга ҳам мажбурдирлар. Тўла хўжалик ҳисобига ўтказилган совхозларга ва бошқа давлат қишлоқ хўжалик корхоналарига ўз оборот маблағларининг етишмаган қисмини вақтинча тўлдирмоқ учун икки йилгача муддат билан кредит берилади.

Тўла хўжалик ҳисобига ўтказилган совхозларга ва бошқа давлат қишлоқ хўжалик корхоналарига:

ишлаб чиқариш аҳамиятига эга бўлган марказлаштирилган капитал ишларни бажаришга колхозлар учун белгиланган муддатлар ва шартлар билан узоқ муддатли кредит берилади, шунингдек хўжаликни мустаҳкамлаш ва кенгайтириш фондидаги маблағлар мўлжалланган тадбирларни ўтказиш учун етарли бўлмай қолганида шу маблағлар ҳисобидан амалга ошириладиган капитал ишларга ҳам узоқ муддатли кредит берилади, бу кредит объектлар ишга тушириладиган кундан бошлаб олти йил ичида узилиши шарт;

хўжаликда социал-маданий тадбирлар ва уй-жой қурилиши фондида маблағлар етишмай қолган тақдирда, аммо уй-жой бинолари ва маданий-маиший объектлар қуриш учун зарур бўлган маблағнинг камида 50 проценти қурилиш бошланган пайтда мавжуд бўлган тақдирда мана шундай қурилишлар учун кредит берилади, бу кредит социал-маданий тадбирлар ва уй-жой қурилиши фондига тушадиган маблағлар ҳисобидан икки йилгача белгиланган муддат ичида узилиши шарт;

янги техникани, механизацияни жорий қилиш, ишлаб чиқариш технологиясини яхшилаш ва ишлаб чиқариш процессларини интенсивлаш тадбирларини ўтказмоқ ҳамда шу моллар сифатини яхшилашга доир харажатлар қилмоқ учун биринчи қарз берилган кундан олти йилгача муддат билан кредит берилади, аммо бунинг учун кредитланаётган тадбирларнинг амалга оширилишидан келадиган фойда (тежам) ҳисобидан шу муддат ичида мазкур харажатларнинг ўрни қопланиши шарт;

ишлаб чиқаришнинг мавсумий харажатларини қоплашга ва ишлаб чиқариш-молия планига мувофиқ товар-моддий бойлиги запасларини вужудга келтиришга атаб, хўжаликнинг тегишли кварталда оладиган даромадлари ва қиладиган харажатларини аниқлаб туриб, қисқа муддатли кредит берилади;

айрим корхоналар ўзларига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра, кредитни белгиланган муддатларда қайтариб беришни таъминламасалар, бундай ҳолларда кредит билан олинган қарзни узиш бир йилгача муддатга кечиктирилади.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советларига, ўлка, область, район ва шаҳар Советлари ижроқомлари қишлоқ ва посёлка Советларига ҳамда уларнинг ижроия комитетларига раҳбарликни янада яхшилашлари, уларнинг ижобий иш тажрибасини ўрганиб, умумлаштиришлари ва кенг ёйишлари, иш услублари ва методларини такомиллаштиришда уларга ёрдам кўрсатишлари, давлат ҳокимиятининг маҳаллий органлари зиммасига юклатилган вазифаларнинг муваффақиятли бажарилиши учун уларга зарур шарт-шароитлар яратиб бериш ҳақида ғамхўрлик қилишлари лозим.

Сайловдан кейин Советларнинг состави анча янгиланганлигини ҳисобга олиб, область ва район Советларининг ижроия комитетларига қишлоқ ва посёлка Советлари ходимлари ва депутатларининг совет қурилиши назарияси ва практикаси масалалари бўйича мунтазам равишда ўқишини ташкил этиб туриш вазифаси юклансин.

4. Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советига хўжалик, молия, ер масалаларини ҳал этишда, маҳаллий саноат ва аҳолига маиший хизмат кўрсатиш корхоналарига раҳбарлик қилишда қишлоқ ва посёлка Советларининг ҳуқуқларини кенгайтириш имкониятларини масаласини, шунингдек уларнинг моддий-молиявий базасини мустаҳкамлаш чоралари тўғрисидаги масалани ўрганиб чиқиш вазифаси топширилсин.

* * *

Ўзбекистон ССР Олий Совети қатъий ишонч билдиradики, республика қишлоқ ва посёлка Советлари партия ташкилотларининг раҳбарлигида КПСС Марказий Комитетининг «Меҳнаткашлар депутатлари қишлоқ ва посёлка Советларининг ишини яхшилаш тўғрисида»ги қарорида белгиланган тадбирларни оғишмай бажара бориб, ўз ташкилотчилик ишлари даражасини кўтаришга, омма билан алоқани янада кўпроқ мустаҳкамлашга эришадилар ва шу тариқа партия XXIII съезди олга сурган вазифаларни ҳал қилишга ҳамда Ўзбекистон меҳнаткашлари Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 50 йиллиги шарафига олган социалистик мажбуриятларнинг бажарилишига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшадилар.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Е. НАСРИДДИНОВА.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Р. САХИБОЕВ.

1967 йил 13 апрель. Тошкент шаҳри.

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг

ҚОНУНИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ «ЎЗБЕКИСТОН ССР ЖИНОЯТ КОДЕКСИГА ҚУШИМЧА ВА ЎЗГАРТИШЛАР КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ФАРМОНИНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Совети **қарор қилади:**

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг «Ўзбекистон ССР Жиноят кодексига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш тўғрисида»ги 1967 йил 28 февраль Фармони тасдиқлансин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Е. НАСРИДДИНОВА.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Р. САХИБОЕВ.

1967 йил, 13 апрель. Тошкент шаҳри.

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг

ҚОНУНИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ «ЎЗБЕКИСТОН ССР ЖИНОЯТ-ПРОЦЕССУАЛ КОДЕКСИГА ЎЗГАРТИШ ВА ҚУШИМЧАЛАР КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ФАРМОНИНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Совети **қарор қилади:**

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг «Ўзбекистон ССР Жиноят-процессуал кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги 1967 йил 25 январь Фармони тасдиқлансин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Е. НАСРИДДИНОВА.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Р. САХИБОЕВ.

1967 йил, 13 апрель. Тошкент шаҳри.

Республика областларида чигит экишнинг бориши тўғрисида 1967 йил 14 апрелгача бўлган МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Биринчи стун — областлар, иккинчи стун — бир кунда экилгани, учинчи стун — мавсум бошидан бўён

Андижон	5,2	78,1
Фарғона	5,4	59,8
Тошкент	7,5	59,6
Сурхондарё	7,3	59,2
Сирдарё	6,5	30,6
Бухоро	5,0	22,6
Самарқанд	6,8	15,9
Қашқадарё	4,4	12,5
Хоразм	0,3	0,7
Қорақалпоғистон АССР	0,1	0,2
Республика бўйича	5,2	40,1;

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ҚАРОРИ

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ «МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ҚИШЛОҚ ВА ПОСЁЛКА СОВЕТЛАРИНИНГ ИШИНИ ЯХШИЛАШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚАРОРИ ВА БУ ҚАРОРНИ АМАЛГА ОШИРИШ ВАЗИФАЛАРИ ҲАҚИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети зўр мамнуният билан қайд қиладики, КПСС Марказий Комитетининг «Меҳнаткашлар депутатлари қишлоқ ва посёлка Советларининг ишини яхшилаш тўғрисида»ги қарори партия ва унинг Марказий Комитетининг социалистик демократияни янада ривожлантиришга, хўжалик ва социал-маданий қурилишга раҳбарлик қилишда Советларнинг ролини оширишга қаратилган ленинча йўли оғишмай амалга оширилаётганлигининг янги бир далилидир. КПСС Марказий Комитетининг қарори партиямиз давлат ҳокимиятининг маҳаллий органлари системасида энг кўп сонли ва оммавий звено бўлган қишлоқ ва посёлка Советлари фаолиятига нақадар катта аҳамият бераётганлигини кўрсатади.

Ўзбекистон қишлоқ ва посёлка Советлари КПСС Программасини, КПСС Марказий Комитети октябрь ва ундан кейинги пленумларининг, партия XXIII съездининг қарорларини амалга ошира бориб, қишлоқ хўжалигини, айниқса пахтачиликни янада юксалтириш, маҳаллий саноатнинг ишини яхшилаш юзасидан белгиланган вазифаларни муваффақиятли бажаришга қаратилган катта ташкилотчилик ва маданий-тарбиявий иш олиб бормоқдалар, аҳолига маданий-маиший хизмат кўрсатиш ишини йўлга қўйишда кўпгина натижаларга эришдилар.

Бироқ, КПСС Марказий Комитетининг қарорида қайд қилинганидек, кўпгина қишлоқ ва посёлка Советлари ҳали ўзларига берилган ҳуқуқ ва ваколатлардан тўла фойдаланмаётирлар, улар колхозлар, совхозлар ва корхоналарнинг иқтисодиётига етарли таъсир кўрсатмаётирлар, ер ва техникадан фойдаланиш устидан, яхши контроль қилмаётирлар, қишлоқ хўжалик артели Уставининг бузилиш ҳолларидан кўпинча кўз юмиб ўтмоқдалар, халқ маорифи, савдо-сотиқ, аҳолига медицина, маданий-маиший хизмат кўрсатиш ишларига етарли даражада раҳбарлик қилмаётирлар, жамоат тартибини сақлаш ва гражданларнинг ҳуқуқларини кўриклаш ишини тўла таъминлай олмаётирлар. Советлар қарорларининг бажарилишига хўжалик раҳбарларидан қаттиқ туриб талаб қилмаётирлар.

Бир қатор қишлоқ ва посёлка Советларининг ташкилий-оммавий ишида жиддий камчиликлар бор — сессиялар мунтазам суратда чақириб турилмайди, уларни ўтказишда расмиятчиликка йўл қўйилади, доимий комиссияларнинг актив ишлаши таъминламаган, ҳамма депутатлар ҳам сайловчилар билан мустаҳкам алоқа қилиб турадилар деб бўлмайди, жамоатчилик асосларида ишлаш етарли даражада ёйилмаётир.

Баъзи область, район ва шаҳар Советларининг ижроия комитетлари қишлоқ ва посёлка Советларига тегишлича эътибор бермайдилар, уларнинг ижобий иш тажрибасини умумлаштириш ва ёйиш билан яхши шуғулланмайдилар, уларнинг нормал ишлаши учун зарур шароит яратиб бериш тўғрисида етарли ғамхўрлик қилмайдилар.

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Совети **қарор қилади:**

1. Хўжалик ва маданий қурилиш вазифаларини ҳал қилишда қишлоқ ва посёлка Советларининг фаолиятини активлаштириш, уларнинг ўз территориясида давлат ҳокимияти юқори органлари сифатидаги ролини ошириш юзасидан жуда муҳим тадбирларни белгилаб берган КПСС Марказий Комитетининг «Меҳнаткашлар депутатлари қишлоқ ва посёлка Советларининг ишини яхшилаш тўғрисида»ги қарори ялпилик билан маъқуллансин.

2. КПСС Марказий Комитети қарорини, Ўзбекистон ССР Конституциясида ва Советлар тўғрисидаги Низомда кўзда тутилган ўз ҳуқуқ ва вазифаларини амалга ошира бориб, қишлоқ ва посёлка Советлари колхоз ва совхозларнинг маҳаллий саноат корхоналарининг экономикасини ривожлантиришда, пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни ҳар томонлама кўпайтириш, саноат ишлаб чиқаришни юксалтириш учун барча имкониятлар ва маҳаллий ресурслардан тўла-тўкис фойдаланишда ўз таъсирларини кучайтиришлари, ўзларига қарашли территорияда Ўзбекистон ССР қонунларининг оғишмай бажарилишини кун сайин назорат қилиб боришлари, колхозлар фаолиятида демократик принципларга қатъий риоя қилинишини таъминлашлари зарур.

Сайловчилар наказларини қунт билан бажара бориб, меҳнаткашларнинг талаб ва эҳтиёжларини қондириш тўғрисида доимо ғамхўрлик қилиш, халқ маорифи, савдони сақлаш, социал таъминот, савдо ва умумий овқатланиш, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш ишларини яхшилашга эришиш, қишлоқлар ва посёлкаларни ободонлаштириш билан, уй-жойлар, маданий-маиший бинолар ва йўл қурилиши билан ҳамма вақт шуғулланиш, бу ишда колхозлар, совхозлар, корхоналар ва ташкилотларнинг ташаббус ва ҳаракатларини координациялаштириб бориш, Ўзбекистон КП Марказий Комитети XIII ва IV пленумлари аҳолининг турмуш маданиятини юксалтириш масалалари юзасидан қабул қилган қарорларини қатъиятлик билан амалга ошириш қишлоқ ва посёлка Советларининг энг муҳим вазифаларидан бири бўлмоғи лозим.

Қишлоқ ва посёлка Советлари ўз ташкилий-оммавий иш формалари даражасини оширишлари, бу ишни халқ хўжалик вазифаларининг муваффақиятли бажарилишига қаратишлари керак. Сессиялар эса Конституцияда қатъий белгиланган муддатларда, депутатларнинг юксак активлигида ўтказилиши лозим, сессиялар муҳокамасига энг муҳим масалалар, ижрокомларнинг ҳисоботлари киритилиб туриши зарур, доимий комиссиялар ва депутатлар группаларининг ташкилий фаолиятини кучайтириш, ишда кенг оммаравийликка эришиш, қилинган ишлар ҳақида аҳолини мунтазам равишда хабардор қилиб туриш, жамоатчилик асосларида ишлашни кенг авж олдириш, социалистик қонунчиликни оғишмай амалга ошириб бориш, жамоат тартибининг сақланишини ва гражданларнинг ҳуқуқларини кўриклашнинг таъминлаш зарур.

3. Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети, Қорақалпоғистон АССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети, область, район ва шаҳар Советлари ижроқомлари қишлоқ ва посёлка Советларига ҳамда уларнинг ижроия комитетларига раҳбарликни янада яхшилашлари, уларнинг ижобий иш тажрибасини ўрганиб, умумлаштиришлари ва кенг ёйишлари, иш услублари ва методларини такомиллаштиришда уларга ёрдам кўрсатишлари, давлат ҳокимиятининг маҳаллий органлари зиммасига юклатилган вазифаларнинг муваффақиятли бажарилиши учун уларга зарур шарт-шароитлар яратиб бериш ҳақида ғамхўрлик қилишлари лозим.

Сайловдан кейин Советларнинг состави анча янгиланганлигини ҳисобга олиб, область ва район Советларининг ижроия комитетларига қишлоқ ва посёлка Советлари ходимлари ва депутатларининг совет қурилиши назарияси ва практикаси масалалари бўйича мунтазам равишда ўқишини ташкил этиб туриш вазифаси юклансин.

4. Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советига хўжалик, молия, ер масалаларини ҳал этишда, маҳаллий саноат ва аҳолига маиший хизмат кўрсатиш корхоналарига раҳбарлик қилишда қишлоқ ва посёлка Советларининг ҳуқуқларини кенгайтириш имкониятлари масаласини, шунингдек уларнинг моддий-молиявий базасини мустаҳкамлаш чоралари тўғрисидаги масалани ўрганиб чиқиш вазифаси топширилсин.

* * *

Ўзбекистон ССР Олий Совети қатъий ишонч билдиradики, республика қишлоқ ва посёлка Советлари партия ташкилотларининг раҳбарлигида КПСС Марказий Комитетининг «Меҳнаткашлар депутатлари қишлоқ ва посёлка Советларининг ишини яхшилаш тўғрисида»ги қарорида белгиланган тадбирларни оғишмай бажара бориб, ўз ташкилотчилик ишлари даражасини кўтаришга, омма билан алоқани янада кўпроқ мустаҳкамлашга эришадилар ва шу тариқа партия XXIII съезди олга сурган вазифаларни ҳал қилишга ҳамда Ўзбекист

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ БИРИНЧИ СЕССИЯСИ

РЕСПУБЛИКА АҲОЛИСИНИНГ СИҲАТ-САЛОМАТЛИГИНИ САҚЛАШНИ КУЧАЙТИРИШ ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари С. О. АЗИМОВ доклади

Депутат ўртоқлар! Ўзбекистон ССР Олий Советининг мазкур сессияси мамлакатимизнинг барча меҳнаткашлари каби Ўзбекистон меҳнат аҳли ҳам КПСС XXIII съездининг тарихий қарорларини амалга ошира бориб, буюк юбилейни — Улуг Октябрь социалистик революциясининг 50 йиллигини муносиб кутиб олишга тайёргарлик кўраётган ажойиб бир вақтда ўтмоқда.

Бизга куч ва қувват берган, бизнинг фаровон ҳаётимизда ўз ифодасини топган ҳолатларнинг ҳаммаси — бутун шон-шуҳратимиз, умидимиз ва меҳр-муҳаббатимиз партиямиз ва давлатимизнинг отаси Владимир Ильич Ленининг буюк заковати билан вужудга келганлигини биламиз ва буни асло унутмаймиз. Биз ҳамиша ва ҳамма ишда жонажон Коммунистик партиямизнинг қарорларига амал қилиб келдик. Партиямизнинг бутун фаолияти коммунизмнинг моддий-техника базасини вужудга келтиришдан иборат ягона мақсадга, ҳамма нарса одамнинг бахт-саодати учун деган вазифани рўёбга чиқаришга қаратилгандир.

Чинакам халқ давлати бўлган Совет Иттифоқида меҳнаткашларнинг манфаати, инсоннинг бахт-саодати, уни жисмоний ва маънавий жиҳатдан ҳар томонлама камолга етказиш, ҳамма нарсадан ҳам кўра юксак даражада турган вазифа эканлиги кўрсатувчи фактор бутун жаҳон қойил қолган бизнинг халқ хўжалик планларимиздир.

Бепоён мамлакатимиз халқ хўжалиги каби Ўзбекистон халқ хўжалигини ривожлантиришнинг ўтган етти йилликдаги якунлари партиямиз ва ҳукуматимизнинг халкимиз бахт-саодати тўғрисида тинмай ғамхўрлик қилаётганлигининг ёрқин кўзгусидир. Масалан, Ўзбекистон ССР Олий Совети VI чақириқ сессиясидан сўнг ўтган иш даврини олайлик: саноатимиз ишлаб чиқариш ҳажми 42 процент ўсди. Капитал маблағлар 92 процент ёки, деярли, 2 мартаба ошди. Миллий даромадимиз 45,5 процент ошди. Халқимизнинг реал даромади ҳам анча ошди. Бу рақамлар республикамиз экономикасининг тадрижий такомилини исботловчи ажойиб далиллардир.

Партия ва ҳукумат халқ фаровонлигини ошириш масалаларига ғоят катта эътибор бериб, халқ сиҳат-саломатлигини сақлаш ва тинмай яхшилаш тадбирларининг конкрет, кўламдор программасини ишлаб чиқдилар. Бу программа Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг 1960 йил 14 январдаги қарорида ҳамда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг «Медицина хизмати кўрсатишни янада яхшилаш ва аҳоли соғлиғини сақлаш чоралари тўғрисида» 1960 йил 21 мартдаги қарорида ўз ифодасини топди.

Даволаш-профилактика муассасаларини кўпайтириш ва кенгайтириш, уларни кадрлар билан таъминлаш, аҳолига кўрсатилаётган медицина хизмати сифатини яхшилаш соҳасида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг ғоят катта эътибори ва доимий ёрдами туфайли, маҳаллий партия-совет органлари, министрликлар, идоралар, колхозлар ва совхозлар, касаба союз ташкилотлари, республикамиз кенг жамоатчилигининг актив иштироки билан, ўтган етти йил мобайнида азамат ютуқларни қўлга киритдилар.

Бешинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг 1960 йил июлида бўлиб ўтган IV сессияси ҳам бу ишда катта роль ўйнади. Сессияда қабул қилинган қарор Соғлиқни сақлаш министрлигининг ва шу министрликка қарашли жойлардаги органларнинг, барча медицина ходимларининг, меҳнаткашлар депутатлари маҳаллий Советларининг куч ва ғайратини соғлиқни сақлаш ишини янада яхшилаш тадбирларини бажаришга йўллади. Республикада соғлиқни сақлаш эҳтиёжларига ажратилаётган маблағлар тўғровсиз ошиб бормоқда. Чунончи ўтган етти йил мобайнида шу мақсадлар учун ажратилаётган маблағлар икки мартадан зиёдроқ кўпайтирилди ва 1966 йилда 247 миллион сўмга етди.

Сиз ҳурматли депутатларга мамнуният билан шуни айтишим керакки, бешинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Совети IV сессиясининг қарорида кўрсатилган талайгина вазифалар — республикада медицина муассасаларини кенгайтириш ва кўпайтириш, даволаш-профилактика тадбирларининг ҳажмини ва сифатини ошириш вазифалари муваффақиятли амалга оширилган.

Ўтган етти йил ичида соғлиқни сақлаш муассасаларини кенгайтириш ва кўпайтиришда Ўзбекистон тарихида мисли кўрилмаган натижаларга эришилди. Пландан ташқари ўн мингдан кўпроқ жой тайёрлаб қўйилди. Бунинг натижасида биз ҳар ўн минг кишига шифохоналаримизда 58,5 жойга эга бўлган бўлсак, етти йиллик мобайнида 92,1 тага етказа олдик. Ҳозирги вақтда Ўзбекистондаги 1.217 та турли касалхоналарда 100 минг 585 та жой мавжуд.

Етти йил мобайнида бешта медицина билим юрти, она ва бола соғлиғини сақлаш илмий текшириш институти, эпидемиология, микробиология ва юқумли касалликлар илмий текшириш институтлари, 344 та янги касалхона, 354 та амбулатория, 104 та ихтисослаштирилган диспансер, 954 та фельдшер-акушерлик пункти, 409 та дорихона, 330 та дорихона пункти ва бошқа бир қанча медицина муассасалари очилди.

Соғлиқни сақлаш объектларини қуриш кенгайтирилганлиги, шунингдек маъмурий ва бошқа ташкилотларнинг 700 дан кўпроқ биноси медицина муассасаларига бўшатиб берилганлиги туфайли, соғлиқни сақлаш муассасаларини мана шундай тез суръатлар билан кўлайтириш ва кенгайтиришга муваффақ бўлдик.

Медицина муассасаларимизни кўмакчи диагностика ва даволаш ускуналари билан таъминлаш анча яхшиланди. Физиотерапевтика лабораториялари ва рентген кабинетлари бир ярим баравар кўпайтирилди, рентген аппаратларининг сони икки бараварга ошди.

Аҳолига поликлиникалар орқали медицина ёрдамини кўрсатиш соҳасида ҳам анчагина ишлар қилинди. Янги поликлиникалар, ихтисослаштирилган медицина ёрдами кўрсатувчи диспансерлар — ревматологик, эндокринологик, психоневрологик, геронтологик диспансерлари кўпайтирилди, ҳамда янгидан-янги медицина участкалари очиш ва уларни кадрлар билан таъминлаш натижасида медицина участкалари орқали аҳолига хизмат кўрсатиш анчагина яхшиланди.

Поликлиникаларнинг участкалар орқали хизмат кўрсатиш ишида бригада методи кенг жорий қилинмоқда. Бунинг натижалари даволаш иши яхшиланаётганлигида, профилактик кўрикларни ўтказиш кенгайтирилганлиги ва бу ишнинг сифати яхшиланганлигида, диспансерлар орқали хизмат кўрсатиш, тез медицина ёрдами кўрсатишни ташкил этиш, шу жумладан санитария авиацияси орқали қишлоқларда тез медицина ёрдами кўрсатиш кенгайтирилганлиги ва яхшиланганлигида яққол кўриниб турибди. Қарши шаҳрида ва Томди районида санитария авиациясининг шоҳобчалари очилди.

Республика шаҳарларида ихтисослаштирилган тезёрдам станциялари ташкил этилмоқда. Бу тезёрдам станцияларида ихтисослаштирилган етти хил медицина ёрдами бериш имконияти тўғдирилган ва шу билан бирга улар ҳузурида касални терминал ҳолатдан чиқариш марказлари ҳам уюштирилган. Ҳар бир марказий район касалхонаси ҳузурида эса тезёрдам бўлимлари ташкил этилган. Ҳозир йирик қишлоқ касалхоналари ҳузурида ҳам тезёрдам станцияларининг шоҳобчалари ташкил этилмоқда.

Хотинлар ва болаларни соғлиғини сақлашга ғоят катта эътибор берилиб, хотинлар консультацясининг соғи 27 процент, болалар консультацясининг соғи эса 40 процент кўпайтирилди. Шу билан бирга республика касалхоналарида болаларни даволаш учун ажратилган жойларнинг ҳаммаси 2,5 бараварга кенгайди. Қишлоқ жойларда шу мақсад учун хизмат қилувчи муассасалар ўтган давр ичида 5 баравар кўпайтирилди. Болаларни овқатлантириши тўғри ташкил этишга ҳам катта эътибор берилмоқда. Болаларга сутли овқатлар тайёрлаб берадиган ва механизациялаштирилган ошхоналар 7 марта кўпайтирилди.

Сунъий усулда боқилаётган болаларга ва кўп болали оилалардаги болаларга текин овқат бериш жорий қилинганлиги ҳам яхши натижалар бермоқда. Шунингдек, умумий савдо шоҳобчаларида болалар овқати сотишни ташкил этиш чоралари бир қадар тезлатилди.

Бюджет ва колхозлар қарамоғидаги туғруқхоналарни, қишлоқ фельдшер-акушерлик пунктларини кўпайтириш ва кенгайтиришга алоҳида эътибор берилди. Ўтган етти йил ичида туққан вақтда оналарнинг ўлими икки баравар, чақалоқлар орасида ўлим 30 процентга камайди. Оналар ва болалар соғлиғини сақлаш илмий-тадқиқот институтининг очилиши бу соҳада амалга оширилган муҳим тадбир бўлди.

Депутат ўртоқлар! Республикада медицина кадрларини тайёрлаш, жой-жойига қўйиш, уларнинг иш малакасини ошириш соҳасида бирмунча ишлар қилинди. Олий ва ўрта медицина ўқув юртларига қабул қилиш ўтган етти йил ичида 1,9 баравар кўпайтирилди ва қабул асосан республика областларининг қишлоқ районларидан ўтказилмоқда. Бунинг натижасида медицина кадрларимиз анча кўпайди. Чунончи, врачлар ва ўрта медицина ходимлари бир ярим баравардан зиёдроқ, провизорлар икки баравар кўпайди. Ҳозир Ўзбекистонда 18.838 врач ва 57.605 ўрта медицина ходими ишлаб турибди.

Тошкентдаги врачлар малакасини ошириш институти, Тошкент, Андижон, Самарқанд медицина институтлари ҳузурида, шунингдек маҳаллий базаларда ҳам медицина кадрларини ихтисослаштириш ва малакасини ошириш ишлари кенгайтирилди ва яхшиланди.

Профилактик тадбирларни кенгайтириш, даволаш сифатини, медицина ёрдами кўрсатиш маданиятини ошириш соҳасида ҳам катта ишлар қилинди.

Соғлиқни сақлаш органлари сил касаллигига қарши курашни ташкил этишга алоҳида эътибор бермоқдалар. Бу касалликни батамом йўқ қилиб юборишимизга барча имконият мавжуд. Шу мақсадда республикада сил касаллигини даволаш муассасалари анча кўпайтирилди ва кенгайтирилди, натижада сил касаллигини ўз вақтида аниқлаш анчагина яхшиланди.

Шундай тадбирлар ўтказилганлиги ва экономикамиз тўхтовсиз ўсиб бораётганлиги натижасида ўтган етти йил ичида республикада сил касалидан ўлиш 31 процентга, бу касал билан оғриш эса 50 процентга камайди.

Касалликларнинг олдини олиш ишларини ташкил этиш соғлиқни сақлаш органларининг асосий ва энг муҳим вазифаларидан бири бўлиб келди ва ҳозир ҳам шундай бўлиб қолмоқда. Бу иш совет кишиси ҳаёти ва фаолиятининг энг хилма-хил участкаларини ўз ичига олмоқда, шу сабабли бутун жамоатчилик бу ишга ёрдам бериши зарур.

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети ва республика ҳукумати катта эътибор бериб келганлиги бу масалани ҳал қилишда ғоят зўр роль ўйнамоқда. Санитария-эпидемиологик станцияларнинг шоҳобчалари бирмунча кенгайтирилди ҳамда уларнинг лабораторияларини асбоблари билан таъминланиши яхшиланди. Санитария маорифи уйлари кўпайтирилди. Саноат ва коммунал корхоналар, шунингдек болалар муассасалари устидан назорат кучайтирилди. Санитария пропагандасининг янги формалари муваффақиятли равишда жорий қилинмоқда. Ўзбекистон ССР Қизил ярим ой жамияти медицина ҳамширалари ва санитария активлари тайёрлашни анча яхшиламоқда.

Аҳоли яшаб турган жойларнинг санитария ҳолати ҳам яхшиланиб бормоқда, яъни санитария ободончилигининг даражаси ошмоқда. Профилактика тадбирларининг ҳажми анча кўпайтирилди. Яхши натижа берадиган бир қанча дори-дармонлар практикага жорий қилинди.

Ўтказилаётган профилактика тадбирларининг ҳажми кўпайтирилганлиги ва сифати яхшиланганлиги, шу билан бирга совет кишиларининг турмуш даражаси ошиб бораётганлиги ва улар турмушининг санитария шароити яхшиланаётганлиги туфайли кўпгина юқумли касалликлар билан оғрувчилар сони анча камайди. Полиомиелит, бўғма, трахома касалликларининг томири қирқилди. Қўқ йўтал билан оғриш 4,9 баравар, акашак билан оғриш 2,4 баравар камайди.

Ўтган етти йил мобайнида республикада дорихоналар ҳам анча кўпайтирилди. Яна 409 та дорихона, жумладан қишлоқларда 337 та дорихона очилди. Дори-дармонлар билан хизмат кўрсатишни дала меҳнаткашларига ва чорвачилик ходимларига яқинлаштирмоқ учун, область дорихона бошқармалари дори-дармонларни ва санитария-гигиена буюмларини далаларга ва яйловларга олиб бориб сотишни ташкил этдилар. Дорихоналарнинг товар обороти қариб 2 баравар, провизорлар 2 баравар ва провизор ёрдамчилари 1,5 баравар ошди.

Соғлиқни сақлашни ривожлантиришдаги муваффақиятларимиз шак-шубҳасиздир. Бу муваффақиятларни қўлга киритишда маҳаллий партия ва совет органларининг, ажойиб заҳматкашларимиз бўлган медицина ходимларининг ва бутун жамоатчиликнинг хизмати катта. Бироқ, КПСС XXIII съездининг қарорлари белгилаб берган ҳамма талабларни бажармоқ учун ҳали жуда кўп иш қилишимиз керак. Аввало, ҳозиргача ҳамма жойда ҳам аҳолига медицина ёрдамини кўрсатиш бир текисда яхши ташкил қилинган эмас.

Республикада амбулатория — поликлиника ёрдами, айниқса стоматологик, тиш протези, психоневрология ва онкология амбулаториялари орқали беморларга ёрдам кўрсатиш ҳали ҳам тузук ривожлантирилган эмас. Аҳолини касалхона ёрдами билан таъминлаш, айниқса қишлоқ жойларида мавжуд эҳтиёждан орқада қолмоқда. Кўпгина касалхоналар етарли қувватга эга эмас ва нобоп биноларга жойлашган.

Бундай шароитда соғлиқни сақлаш объектларига ажратилган капитал маблағларни ўзлаштириш ниҳоятда зўр аҳамиятга эга. Шаҳар ва область ижроия комитетлари, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлиги, Қишлоқ хўжалик министрлиги ва Соғлиқни сақлаш министрлиги, «Главташкентстрой» медицина муассасалари қурилишларига жон қуйиб раҳбарлик қилмаётирлар. Натижада республикада соғлиқни сақлашнинг янги объектларини қуриш ва улар ишга тушиб берилган биноларни мослаштириш ишлари қониқарсиз бормоқда.

Шу мақсад учун етти йилликда давлат томонидан ажратилган капитал маблағларнинг 10 миллион сўмидан кўпроғи фойдаланилмасдан қолиб кетди. Тошкент шаҳар, Бухоро область, Хоразм область ижроия комитетлари ва Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети капитал маблағларни ўзлаштириш ишига ҳануз масъулиятсизлик билан қарамоқдалар. Медицина муассасаларини қуришга ажратилган маблағлардан ёмон фойдаланилганлиги сабабли, шу давр ичида касалхоналарда 5 мингга яқин жой фойдаланишга топширилмай қолди.

Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлиги, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси, «Узгипроводстрой», Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, Тошкент шаҳар ижроия комитети 1966 йилда ҳам соғлиқни сақлаш объектларида капитал қурилишни айниқса қониқарсиз равишда олиб бордилар. Планда кўрсатилган капитал маблағлар ҳисобидан қурилиши лозим бўлган 44 та соғлиқни сақлаш объектидан 17 та объект қурилди. Кўпгина объектларда қурилиш сифати паст.

Ҳозирги 1967 йилда эса бу соҳада қилинаётган ишларнинг аҳволи ҳам яхши эмас. Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети ва область ижроия комитетлари Ўзбекистон ССР Министрлар Советидан соғлиқни сақлаш объектларини қуришга кўпроқ капитал маблағ беришни қайта-қайта илтимос қилишади. Лекин планлар тасдиқланиб бўлганидан сўнг, улар қурилиш масалалари билан кам шуғулланадилар, объектларни биноқорлик материаллари ва ишчи кучи билан ўз вақтида таъминламайдилар. Шунинг натижасида дастлабки планда белгиланган ҳажмдаги капитал маблағлар ҳам фойдаланилмасдан қолиб кетади.

Зилзиладан шикастланган Тошкент шаҳрида даволаш-профилактика муассасалари биноларини қуришни лойиҳалаш ва бино қуриш планлари бажарилмай қолганлигини Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатларига алоҳида эслатиб ўтишни зарур деб ҳисоблайман.

Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлиги, Тошкент шаҳар ижроия комитети, «Главташкентстрой», Ўзбекистон ССР Госстройи ҳамда лойиҳалаш институтлари «Ташгипрогор» ва «Узгоспроект» қониқарсиз ишлаганликлари сабабли Тошкент шаҳрида соғлиқни сақлаш объектларини лойиҳалаш ва қуриш учун ажратилган катта ҳажмдаги капитал маблағлардан систематик равишда фойдаланиш ҳануз ёмон аҳволда.

Чунончи, 1966 йилда планда белгиланган 8 миллион сўмлик капитал маблағдан 2,8 миллион сўми фойдаланилди.

Лойиҳа ва смета ҳужжатлари тайёр қилиб қўйилмаганлиги сабабли Тошкент шаҳрида 1967 йилда бино қилиниши лозим бўлган 14 миллион сўмлик соғлиқни сақлаш муассасаларидан 2 миллион сўмликдан кўпроқ янги объектлар қурилиш планларига киритилмай қолди. 1968 йилда бино қилиш мўлжалланган объектларни қуриш ишига керакли ҳужжатларни тайёрлаш эса бундан ҳам ёмонроқ аҳволда турибди.

Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлиги, Тошкент шаҳар ижроия комитети ва Тошкент область ижроия комитети лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш билан боғлиқ бўлган кўпгина масалаларни 9 ойдан кўпроқ вақтдан бери ҳал қилиб бермаётирлар, чунончи, ер участкалари ўз вақтида ажратиб берилмаётир, асос қилиб олинадиган маълумотлар ва лойиҳаларнинг ўзи ҳам ўз вақтида тузиб берилмаётир.

Тошкент шаҳридаги соғлиқни сақлаш объектларини планга мувофиқ лойиҳалаш ва қуришда рўй берган бу аҳвол учун «Главташкентстрой», Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлиги, Тошкент шаҳар ижроия комитети, Тошкент область ижроия комитети, Ўзбекистон ССР Жамоат тартибини сақлаш министрлиги, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси, шунингдек Ўзбекистон ССР Госстройи ҳамда «Ташгипрогор» ва «Узгоспроект» лойиҳалаш институтлари жавобгар бўлишлари лозим дейилса хато бўлмас.

Соғлиқни сақлаш объектларини қуриш масалалари бутун республика бўйича ҳам биринчи даражадаги аҳамиятга эга бўлган масала бўлиб қолмоқда. Чунки ушбу беш йилликда шу мақсад учун давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар кўпайтирилиб, 38,9 миллион сўмдан 122,5 миллион сўмга етказилди. Шу сабабли, биз Олий Совет депутатларидан бу масалаларни ҳал қилишда актив ёрдам беришларини илтимос қиламиз.

Колхозларнинг ўз фондлари ҳисобидан медицина ва болалар муассасалари қуриш йўлидаги ажойиб ташаббусига бундан буён ҳам эътибор бериб туриш керак. Бешинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг IV сессиясидан кейин республикада бу иш кенг миқёсда амалга оширила бошланди. Айниқса, Фарғона, Сурхондарё, Андижон ва Тошкент областларида колхозчиларнинг бу соҳада ажойиб ташаббус кўрсатаётганликларини тасдиқловчи кўпгина мисолларни айтиб ўтиш мумкин. Шу областларда колхозлар ўзларининг бўлинмас фондлари ҳисобидан фақат айрим медицина муассасалари қуришгина қолмасдан, шу билан бирга бутун-бутун медицина шаҳарчаларини қурдилар.

Қишлоқда соғлиқни сақлашни ривожлантириш тўғрисида гапирар эканмиз, сизларнинг диққатингизни бир нарсага жалб қилмоқчиман. Етти йил ичида касалхоналарда очилган ўринларнинг кўпчилиги янгиларга мосланмаган, кўплари ниҳоят даражада тиғиз бўлиб қолган касалхона биноларидадир. Касалхоналардаги ошхона, кир ювадиган жойлар, лабораториялар, ҳаммомлар, санитария-гигиена нормаларига жавоб бермайдиган даражада эканлиги ва ёмон аҳволга тушиб қолганлиги алоҳида эътиборни жалб қилиши лозим.

Пачоқ касалхоналар ҳали ҳам кўп. Бу эса диагностика ва даволаш тадбирларининг сифатига салбий таъсир қилмоқда. Майда касалхоналар харажатни кўп талаб қилади, давлатга қимматга тушади. Меҳнаткашлар депутатларининг маҳаллий Советлари қишлоқ участка касалхоналарини йириклаштиришда соғлиқни сақлаш органларига ёрдам бериб туришлари қатта аҳамиятга эга.

Бир қанча иттифоқдош республикаларда — Украинада, Молдавияда колхозлар ва совхозларнинг марказий қўраларида «Қишлоқ соғлиқ пунктлари» қуриш ишида катта тажрибалар бор. Мана шу «Қишлоқ соғлиқ пунктлари» ҳузурида фельдшер-акушерлик пункти, дорихона, қишлоқ туғруқхонаси, сут ошхонаси, гигиена ва турмуш маданияти университети яратилган. Медицина муассасаларини мана шундай бир жойга тўплаш медицина ходимларидан тежаш ҳам рационал фойдаланишга, республикамизда медицина хизмати кўрсатиш маданиятини оширишга имкон беради.

Амбулатория-поликлиника муассасалари партия ва ҳукуматнинг соғлиқни сақлаш органлари олдига қўйган вазифаларини амалга оширишда катта аҳамиятга эга, чунки улар ўзлари бажараётган ишнинг ҳажми, мазмуни ва аҳамияти жиҳатидан аҳолига медицина хизмати кўрсатиш системасида етакчи ўрин олиб турибдилар. Шу муносабат билан давлат капитал маблағлари ҳисобидан ҳам, шунингдек марказлаштирилмаган манбалар ҳисобидан ҳам амбулатория-поликлиника муассасалари қуриш имкониятларини топиш ниҳоят даражада зарур эҳтиёж бўлиб қолмоқда.

Аптекаларни кўпайтиришда ҳам кўпгина иш қилишимиз керак.

Депутат ўртоқлар! Болалар соғлиғини сақлаш ҳали тартибда турган вазифалар даражасидан анча орқада қолмоқда. Касалхоналарда бемор болаларни даволаш учун мавжуд ўринлар эҳтиёжнинг 30 процентидан ошигина қоплай олмайди. Болалар касалхоналари ва поликлиникалари асбоб-ускуна билан яхши жиҳозланмаган, бундай жиҳозларни ясаш эса республикада йўлга қўйилгани ҳам йўқ. Болаларга санатория ёрдами кўрсатиш тузуккина ривожланмаётир. Сут ошхоналари ҳам етарли эмас.

Профилактика иши тўғрисида, оғир касалликларни тўғдираётган сабабларни йўқотиш тўғрисида гап кетганда, мен Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлари улуғ анжуманининг диққат ва эътиборини бир нарсага жалб қилмоқчиман. Қашқадарё, Сурхондарё ва Тошкент областларининг бир қанча районларида ўтказилган текшириш натижасида аҳолининг овқатланишини ташкил этишда жиддий нуқсонлар борлиги аниқланди.

Мўтлақо равшандирки, болаларни айниқса гўғилгандан бошлаб дастлабки йилларда рационал овқатлантиришни тўғри уюштириш уларнинг соғлом бўлиб ўсиши учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Ўзбекистон ҳукумати бу масалага катта аҳамият бериб, сут ошхоналарини, магазинларда болалар овқати сотиладиган бўлимларни кўпайтириш планларини белгилаб берди. Бироқ, айрим область ижроия комитетлари, район ва шаҳар ижроия комитетлари, колхоз раислари ва совхоз директорлари бу муҳим ишга шу вақтгача етарли эътибор бермаётирлар.

Коммунистик партия ва совет ҳукуматининг бизнинг келажагимиз, бизнинг умидимиз бўлган ёш авлодни тарбиялаш, уларга ғамхўрлик кўрсатишдан кўра катталроқ вазифаси йўқ. Барча маҳаллий Совет органларининг, колхоз ва совхоз раҳбарларининг, республика министрликлари ва идораларининг бурчи шундаки, улар болалар соғлиғини сақлаш ишига, касалликларнинг олдини олишга, касалликларни туғдирувчи сабабларни йўқотиш ва аввало, болаларни овқатлантириш масалаларига эътибор беришлари ва бу вазифани ҳал қилишга бел боғлашлари лозим. Республика Олий Советининг депутатлари ҳам бу ишни ташкил қилиб, шу тарика бу соҳада катта ҳисса қўшишлари мумкин.

Депутат ўртоқлар! Ташқи муҳитни, аҳолининг меҳнат ва турмуш шароитини янада соғломлаштириш, халқ фаровонлигини ошириш ишидаги жуда муҳим масаладир. Бу ишни тўғри ташкил этиш натижасида юқумли касалликлар ва бошқа касалликлар билан оғришнинг олди олинади ва бу касалликлар анча камайиб кетади. Аҳоли яшайдиган жойларнинг санитария ҳолатига эътиборни кучайтириш, водопровод ва канализация тармоқлари қуриш планини, албатта бажариш, улардан фойдаланишни яхшилаш, сув манбаларининг саноат корхоналаридан оқиб келган сувлар билан ифлосланишига йўл бермаслик керак.

Шаҳарларда ун-ой биноларни ва бошқа биноларни санитария назорати органлари билан келишиб туриб фойдаланишга қабул қилиш керак.

Саноатда ҳам санитария нормаларини бузиш ҳоллари кўп. Суперфосфат заводлари, пахта тозалаш заводлари, цемент-шифер заводлари ва бошқа бир қанча корхоналар ҳавони жуда ёмон ифлос қилмоқда. Ишларни бехавф-хатар бажаришга имконият берадиган техникани қишлоқ хўжалик министрлиги ҳали ҳам жуда сусткашлик билан жорий қилмоқда.

Умумий овқатланиш корхоналарининг анчагина қисми, шунингдек озиқ-овқат магазинлари ва складлари ҳали ҳам номуносиб биноларда ишлаб келмоқда. Шу сабабли овқат тайёрлаш ва уни сотишда санитария-гигиена режими қўпол равишда бузилмоқда. Қишлоқ хўжалик министрлиги тайёрланаётган сутнинг сифатини яхшилаш масалаларига эътибор бермаётганлиги сабабли колхоз ва совхоз фермаларида сутнинг бузилиши учун имконият берадиган шароит йўқотилмаган. Кўпгина сутговар фермаларида сутнинг сифатини белгилаб берадиган лабораториялар йўқ. Аҳоли яшаб турган жойларнинг санитария аҳволини яхшилаш учун маҳаллий Советлар ижроия комитетларининг масъулиятини, шунингдек министрликлар, идоралар, саноат корхоналари, совхозлар, колхозлар ва бошқа ташкилотлар раҳбарларининг масъулиятини кескин равишда ошириш зарур.

Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлиги, Маданият министрлиги, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, область ва шаҳар ва район ижроия комитетлари санитария пропагандасини ривожлантиришга лозим бўлган даражада эътибор бермаётирлар, кино, радио, телевидение ва матбуотдан шу мақсад учун етарли равишда фойдаланё олмаётирлар. Соғлиқ ва санитария маданияти халқ университетларини кўпайтириш жуда секин бормоқда. Ўзбекистон ССР медицина олимлари ва Қизил ярим ой жамиятининг активлари санитария билимини пропаганда қилишга, шунингдек профилактика ишларини бошқа формаларига ҳам тузуқ жалб қилинаётгани йўқ.

Шаҳарлар ва аҳоли яшаб турган пунктларнинг санитария ҳолати масаласи муҳим масала эканлиги ҳақида ҳеч кимда шак-шубҳа йўқ. Бутун жамоатчиликнинг куч-ғайрати билан ўз ерларида аҳоли яшаб турган жойларни боғбўстонларга айлантириб юборган, шу жойларни ҳамиша тоза ва покиза қилиб тутганликлари сабабли касалликларнинг тарқалишига йўл қўймаган маҳаллий Советларнинг ишларидан юзлаб мисоллар келтириш мумкин. Совет Иттифоқининг энг қадимий шаҳарларидан бири бўлган Самарқанд кейинги вақтларда санитария ҳолатини кескин яхшилаш намунаси бўла олади.

Ўзбекистон пойтахтининг санитария ҳолати айниқса ачинарлидир. Тошкентнинг бошига тушган офат — зилзила натижасида катта вайронлик рўй берди ва қурилиш ишлари ғоят кенгайиб кетди. Буларнинг ҳаммаси объектив сабаблардир, холос. Лекин шаҳарнинг ҳозирги вақтдаги антисанитария ҳолатини шу сабаблар билан оқлашимиз мумкин эмас.

Маҳаллий совет органлари соғлиқни сақлаш ходимлари антисанитарияга қарши кескин кураш очмоқ учун фақатгина ойликлар ўтказиш билангина кифояланмасдан, балки тартиб ўрнатишни кундалик ишга айлантирмоқ учун бутун кучларини, ўзларининг бутун билимларини ва маҳоратларини сарфлашлари лозим.

Депутат ўртоқлар! Соғлиқни сақлаш хизматини такомиллаштириш масалаларига ҳозирги вақтда ниҳоят даражада катта эътибор берилмоқда. Бу эса биздан илмий тадқиқотлар ҳажмини кенгайтиришни, диагностика ва даволашнинг энг янги методларини соғлиқни сақлаш практикасига жорий қилишни талаб этади. Медицина фани соғлиқни сақлаш ишида етакчи ўринлардан бирини олиб турибди. 2.000 га яқин илмий ходимларимиз бор, шулардан 105 киши фан доктори ва 787 киши фан кандидатидир.

Республика олий ўқув юртларида ва илмий текшириш институтларида 300 дан кўпроқ аспирант ва стажер-тадқиқотчилар ишлаб турибди. Бундан ташқари ўз ишида, даволаш-профилактика шоҳобчаларида илмий иш олиб бораётган амалиётчи врачларнинг катта группаси ҳам бор.

Шу вақт ичида бизнинг олимларимиз умумий биология фанига доир, шунингдек умумий медицинага доир бир талай муҳим проблемаларни ҳал қилиб бердилар. Ўзбекистон меҳнаткашларининг сиҳат-саломатлигини сақлашга доир конкрет масалаларни ҳам ҳал қилмоқдалар. Бир қанча янги медицина препаратлари ва асбоблари яратилди ва ишлатилмоқда.

Бизнинг бу муваффақиятларимиз чет мамлакатлардаги олимларни ва амалиётчи ходимларнинг эътиборини жалб қилмоқда. Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти йўли билан Ўзбекистонда медицининг турли масалаларига доир саккизта катта халқаро анжуман ўтказилди. Шу анжуманларнинг ҳаммаси зўр муваффақият билан ўтди.

Лекин медицина фанини ривожлантириш масаласида ҳам жиддий камчиликларимиз бор. Фан кадрлари етарли равишда тайёрланаётгани йўқ. Бир-бирига ёндош соҳаларда иш олиб бораётган илмий коллективлар ўз фаолиятларини координация қилмаётирлар, биохимия, иммунологиянинг замонавий методларини, радий изотопларидан фойдаланиш ва шу каби бошқа янги методикаларни илмий тадқиқот ишларида етарли равишда қўлламаётирлар. Ўзбекистон ССР Фанлар академияси ўз ишларини медицина олий ўқув юртларининг илмий лабораториялари ва кафедралари ҳамда илмий тадқиқот институтлари билан етарли равишда қўшиб олиб бормаётир.

Касалликларнинг, биринчи навбатда, рак касалликларининг, юрак-томир касалликларининг, вирусли касалликларнинг ва бошқа касалликларнинг олдини олишга ва уларни даволашга олимларнинг куч ва ғайратини тўплашни Коммунистик партиямиз бизнинг олдимизга муҳим вазифа қилиб қўйди. Шу сабабли биз илмий тадқиқотларни координациялашни кучайтиришимиз, энг муҳим масалаларни ва медицинанинг энг актуал проблемаларини ҳал қилмоқ учун олимларнинг куч ва ғайратини бирлаштиришимиз мутлақо зарур. Янги ва илғор муваффақиятларнинг ҳаммасини мумкин қадар тезроқ амалиётчи врачлар қўлланадиган қилиш, кенг медицина жамоатчилигини шулардан баҳраманд қилиш учун олимларнинг амалиётчи ходимлар билан ижодий алоқасини кучайтиришимиз керак.

Ўзларининг бутун куч ва билимларини олижаноб ишга — аҳолига медицина хизмати кўрсатишни ва аҳоли соғлиғини сақлашни янада яхшилаш ишига, халққа хизмат қилишга сарфлаётган кўпминг кишилик медицина ходимлари олдимизда турган вазифаларни бажаришда ҳал қилувчи роль ўйнайдилар. Медицина ходимларини тайёрлашни кўпайтириш ва уларнинг малакасини ошириш соҳасида кейинги йилларда бир қанча чора ва тадбирлар кўрилди. Бироқ, бу масалада нуқсон ва камчиликлар кўп.

Медицина олий ўқув юртлари, билим юртлари ва мактабларида мутахассислар тайёрлаш савиясини ошириш керак. Қишлоқ касалхоналарида ёш мутахассис кўпинча якка ўзи ишлайди, унга ўргатадиган ҳеч ким бўлмайди, шунинг учун ҳамма ишни ўзи бажарадиган бўлиши ва бошқаларга ўзи ўргатиши лозим.

Қишлоқ медицина муассасалари врачлар билан тўлиқ таъминланмаганлиги энг кэтта камчиликларнинг биридир. Қишлоқ районлари врачлар билан етарли равишда таъминланмаганлигининг сабаби фақат врачлар етишмаганлигидан эмас, балки врачлар орасида кўнимсизлик кўплиги сабаб бўлмоқда. Аммо, меҳнаткашлар депутатларининг маҳаллий Советлари ва жойлардаги соғлиқни сақлаш органлари врачларни зарур уй-жой, маиший ва иш шароити билан таъминлаш, медицина ходимларини қишлоқда ўрнашиб қолиш тўғрисида лозим бўлган даражада ғамхўрлик қилмаётирлар. Келажакда қишлоқ жойларига юборилаётган медицина ходимлари йилдан-йилга кўпаяверади. Барча маҳаллий партия ва совет органларининг бурчи шуки, улар мана шу медицина ходимларига етарли эътибор беришлари, ғамхўрлик қилишлари, қишлоқларга юборилаётган медицина кадрларини ишда доимий сақлаб қолишда соғлиқни сақлаш органларига ёрдам бериб, зарур чораларни кўришлари лозим.

Илғорлар тажрибаси медицина ёрдамини тегишли чўққига кўтаришда катта роль ўйнайди. Соғлиқни сақлаш органлари илғор тажрибани оммалаштириш ва кенг тарқатиш билан етарли равиш

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ БИРИНЧИ СЕССИЯСИ

РЕСПУБЛИКА АҲОЛИСИГА КОММУНАЛ-МАИШИЙ ХИЗМАТНИНГ АҲВОЛИ ВА УНИ ЯНАДА ЯХШИЛАШ ЧОРАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари депутат М. МИРЗААҲМЕДОВ доклади

Депутат ўртоқлар! Республика аҳолисига коммунал — маиший хизматнинг аҳволи ва уни янада яхшилаш чоралари тўғрисидаги масала шу сессиянинг муҳокамасига қўйилди. Бу масала катта халқ хўжалик аҳамиятига эгадир.

КПСС XXIII съезди таъкидлаб ўтганидек, фан ва техника ютуқларидан ҳар томонлама фойдаланиш, бутун ижтимоий ишлаб чиқаришни индустриал ривожлантириш, унинг самарадорлигини ва меҳнат унумдорлигини ошириш асосида саноатни талайгина ўсгиришни, қишлоқ хўжалигини юксак ва барқарор суръатлар билан ривожлантиришни таъминлашни ҳамда ана шулар туфайли халқ турмуши даражасини анча оширишга, барча совет кишиларининг моддий ва маданий эҳтиёжларини янада тўлароқ қондиришга эришишни партия янги беш йилликнинг асосий иқтисодий вазифаси, деб билади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Республика ҳукумати аҳолининг турмуш ва маданий-маиший шароитларини яхшилаш масалаларига катта эътибор бериб келмоқдалар. Бу масалалар ҳамиша республикадаги партия ва совет ташкилотларининг диққат марказида турибди.

Олтинчи чақириқ Олий Советининг 1963 йилда бўлиб ўтган биринчи сессияси «Республика аҳолисига маданий-маиший хизматни яхшилаш чоралари тўғрисида»ги масалани муҳокама қилди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг 1964 йилда бўлиб ўтган XIII пленуми турмуш маданиятини ошириш масаласини қараб чиқди, олтинчи чақириқ Олий Советининг 1965 йилда бўлиб ўтган V сессияси «Ўзбекистон ССРдаги шаҳарлар, район марказлари, шаҳар посёлкалари ва аҳоли яшайдиган бошқа пунктлар қурилиши ва ободончилигини яхшилаш чоралари тўғрисида»ги масалани муҳокама қилди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг 1966 йил августда бўлиб ўтган IV пленуми ҳам қишлоқ маданиятини юксалтириш масаласини қараб чиқди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика Министрлар Совети бу масалалар юзасидан бир қанча махсус қарорлар қабул қилишди.

Аҳолига коммунал-маиший хизматни янада яхшилаш юзасидан яқин келгусига мўлжалланган планларимизни баён қилиб беришдан аввал бу соҳада қандай ютуқларга эришганлигимиз тўғрисида қисқача гапириб ўтишга ижозат бергайсиз.

Улуғ Октябрь халқимизнинг тарихий тақдирини ўзгартириб юборди. Ўзбекистон чор Россиясининг қолоқ чекка ўлкасидан яшнаб турган социалистик республикага, машинасозлик, энергетика, химия саноати, енгил саноат ва озиқ-овқат саноати гоят ривожланган йирик индустриал районга, механизациялаштирилган қишлоқ хўжалигининг йирик намунасига, мамлакатнинг асосий пахта базасига, илғор маданият республикасига айланди. Ўзбекистон меҳнаткашлари Совет ҳокимияти йилларида экономика ва маданиятни ривожлантиришда жуда катта муваффақиятларга эришдилар. Республиканинг халқ хўжалиги мавжуд юксалиши билан бир қаторда аҳолининг уй-жой маиший шароити узлуксиз яхшиланмоқда, шаҳарлар, район марказлари, колхоз ва совхоз посёлкалари обод бўлмоқда.

Бизнинг шаҳарларимиз революциядан илгари қандай аҳволда бўлганлигини сиз ўзингиз яхши биласиз. Революциядан илгариги шаҳарларнинг кўчалари тор эди, деворлар лой-балчиқдан ясалар, пахса ёки синчли уйлар бўлар эди. Бу уйларда коммунал маиший жиҳатдан ҳеч қандай қулайлик йўқ эди. Совет ҳокимияти йилларида эса, аҳоли яшайдиган пунктларнинг қиёфаси таниб бўлмас даражада ўзгарди. Республика шаҳарларида уй-жой фонди 28 миллион квадрат метргача ўсди. Бу — революциядан илгариги даврдагига нисбатан тўрт баравар ортиқдир. Инженерлик шоҳобчалари қурилишининг кенгайтирилиб юборилганлиги, қурилиш индустриясининг ривожлантирилганлиги бу фондни сифат жиҳатидан ҳам жиддий равишда ўзгартирди. Энди-ликда шаҳарлардаги давлат уй-жой фондининг ярмидан кўпроғи водопровод ва канализация билан таъминланган, қирқ процентга яқини марказдан туриб иситилади, 20 процентдан кўпроғи иссиқ сув билан таъминланган. Ободончилик элементлари қишлоқ жойларда ҳам кенг жорий қилинмоқда.

Биз шаҳарларни ва аҳоли яшайдиган йирик пунктларни газ билан таъминлашда катта муваффақиятларга эришдик. Улуғ Ватан уруши йилларида газ билан таъминлашга асос солинган эди. Ўша йилларда Андижон ва Ленинскда нефть билан бирга қўшилиб чиқадиган газдан фойдаланишга киришилди. Газ билан таъминлаш ишлари 1958 йилдан бошлаб, яъни Бухоро областида табиий газга бой бўлган конлар очилиб ўзлаштирилганидан кейин жуда кенг тус олиб кетди. Ҳозирги вақтда республикадаги барча шаҳарлар ва район марказлари, 362 та колхоз, 182 та совхоз газдан фойдаланмоқда. Рўзғорни газ билан таъминлаш жиҳатидан биз мамлакатда олдинги ўринлардан биримиз эгаллаб турибмиз.

Бизда коммунал хўжаликнинг бошқа тармоқларига нисбатан шаҳар электр транспорти бир мунча сust суръатлар билан ривожланмоқда. Кейинги бир неча йил ичида электр транспорти биз учун энг тежамли ва санитария жиҳатидан энг қулай бўлишига қарамай, асосий эътибор одамларни автобусларда кўпроқ ташишга қаратилди.

Кейинги саккиз йил ичида Тошкент ва Самарқандда 29 километр узунликда янги трамвай йўллари ва 35 километр узунликда троллейбус йўллари қурилди. Электр транспорти парки анча кўпайди. Трамвай-троллейбус хўжалигининг ремонт ва эксплуатация базаси мустаҳкамланди — Тошкентда йирик вагон-ремонт заводи, янги трамвай ва троллейбус деполари ишга туширилди.

Республикада бошқа жойлардан келувчилар учун меҳмонхоналар ва ётоқхоналар, ҳаммом ва кирхоналар қурилишига жиддий эътибор берилмоқда. Ҳозирги пайтда шаҳарларда ва район марказларида қариб 7,5 минг ўринли 177 меҳмонхона бор. Ҳаммомлар сони 1959 йилдагига нисбатан 2 6 баравар, шу жумладан, қишлоқ жойларда 3,8 баравар кўпайди. Ўтган йили 75 та кирхона ишлади, буларнинг 22 таси қишлоқ жойларда эди, ваҳоланки 1959 йилда бизда атиги 19 та кирхона бўлиб, буларнинг ҳаммаси шаҳарларда жойлашган эди.

Шаҳар ва қишлоқларни обод қилиш соҳасида кўп иш қилинди. Шаҳарларда қаттиқ қопламали кўчаларнинг узунлиги саккиз йил ичида икки баравардан зиёд, асфальт ётқизилган кўчаларнинг узунлиги уч баравардан зиёд ортди. Кўп миқдорда кўприклар ва бошқа ободончилик объектлари қурилди. Шаҳарлардаги кўчаларнинг 52,5 проценти ҳозир электр чироқлар билан таъминланган.

Барча шаҳарларда ва район марказларида санитария тозалиги билан шуғулланувчи ихтисослаштирилган ташкилотлар ишлаб турибди. Бу ташкилотларнинг ихтиёрида уч мингга яқин машина ва механизмлар бор.

Республикада уй-жойларни, коммунал-маиший корхоналарни капитал ремонтдан чиқариш соҳасидаги ҳамма ишлар 1963 йилдан бошлаб марказлаштирилди. Бу чора шу мақсад учун ажратилган маблағлардан самаралироқ фойдаланиш, ремонт қилиш муддатларини қисқартириш ва ремонтнинг сифатини ошириш имконини берди.

Маиший хизмат кўрсатадиган корхоналарнинг роли ўсиб бормоқда. Бу корхоналар ҳали яқингина ўз ишларини асосан аҳолига майда-чуйда хизмат кўрсатиш билан чеклаб қўйган эдилар. Энди-ликда аҳвол ўзгарди. Фан ва техниканинг ривожланиши, шаҳар ва қишлоқ маданиятининг юксалиши, ўз ҳаётимизда мураккаб машиналардан кўпроқ фойдалана бошлаганлигимиз маиший хизмат соҳасидаги аҳволни ва бу хизматнинг ролини кўп даражада ўзгартирди. Маиший хизмат халқ хўжалигининг замонавий механизациялаштирилган соҳасига айланиб, хизмат кўрсатишнинг сифатини доим яхшилаш, аҳолига тез хизмат кўрсатиш учун барча имкониятларга эгадир. Ҳозирги вақтда республикада маиший хизмат кўрсатадиган мустақил балансдаги 161 та корхона ишлаб турибди. Маиший хизмат кўрсатувчи ательелар, устахоналар ва комбинатлар сони 9830 тага, шу жумладан, қишлоқ жойларда 5604 тага етди. 1966 йилда аҳолига 71,4 миллион сўмлик ёки 1958 йилдагига нисбатан 4,5 баравар кўпроқ маиший хизмат кўрсатилди.

Кўп иш қилинганлигини кўриб турибсиз. Шу билан бирга шуни ҳам эътироф қилиш керакки, уй-жой қурилиши ва коммунал-маиший хизмат кўрсатиш соҳасида эришилган даража аҳолининг ўсиб бораётган талабларига ҳали жавоб бермаётир. Бизнинг вазифамиз — фойдаланилмаётган резервларни қидириб топишдан ва беш йилликда белгиланган топшириқларни, шу жумладан юбилей йили — 1967 йил топшириқларини сўзсиз бажариш чораларини белгилашдан иборат.

Бизда уй-жой масаласи айниқса кескин проблема ҳисобланади. Гап фақат квартиралар сонидагина эмас. Биздаги мавжуд уй-жой фонди асосан маънавий ва физик жиҳатдан эскирган, нокапитал типдаги иморатлардан иборат бўлиб, буларни замонавий уйлар билан алмаштириш талаб этилишини назарда тутмоқ керак. Республикамизнинг аҳоли яшайдиган кўпгина йирик пунктлари кучли сейсмик зонада жойлашганлигидан ҳам бунинг аҳамияти муҳимдир.

Етти йиллик мобайнида шаҳарларда 13.700 минг квадрат метр, шу жумладан, давлат капитал маблағлари ҳисобига 8980 минг квадрат метр уй-жой қурилди. Колхозларда шу давр ичида 196 минг уй қурилди. Аммо уй-жой қурилиш планлари йилдан-йилга бажарилмай келаётганлигини айтмоқ керак. 1966 йилда уй-жой қурилиши учун кўзда тутилган 15 миллион сўм пул фойдаланилмай қолди. Республика аҳолиси 189 минг квадрат метр ёки йиллик планнинг 17 процента миқдорида уй-жой майдонини ололмади.

Юбилей йилида республика қурилиш ва лойиҳалаш ташкилотлари коллективлари уй-жойларни фойдаланишга топшириш йиллик планини 25 декабргача бажариб, йиллик пландан ортиқ 30 минг квадрат метр уй-жой майдони топшириш юзасидан юксак социалистик мажбуриятлар олдилар. Энди-ликда фойдаланишга топширилади-ган уй-жойлар плани ўтган йилда бажарилганидан қариб 1,5 баравар ортиқ бўлганлигидан бу мажбуриятлар жуда жиддийдир. Олдимиздаги вазифа ойлик ва квартал топшириқларига қатъий риоя қилиш ва шу билан уй-жойларни фойдаланишга топшириш планининг бажарилишига эришишдан иборатдир.

1966 йил 26 апрелдаги фожиали воқеалар ҳали хотирамиздан кўтарилгани йўқ. Ўша кун рўй берган кучли зилзила пойтахтимиз шаҳар хўжалигига жуда катта зарар етказди. КПСС Марказий Комитети ва Совет ҳукуматининг ташаббуси билан бутун мамлакат Тошкентга ёрдамга келди. Москва, Ленинград, Киев, барча иттифоқдош республикаларнинг Тошкентни қуришда катта ҳисса қўшганликларини Олий Совет минбарида туриб яна бир марта таъкидлаб ўтмоқчиман. Бу ҳисса ленинча миллий сиёсатнинг мустаҳкамлигини, мамлакатимиз халқлари бузилмас дўстлиги янада мустаҳкамланиб бораётганлигини кўрсатувчи конкрет далил бўлди.

Бизнинг ўртоқларимиз Москва, Ленинград, иттифоқдош республикаларнинг илғор бинокорлари билан ёнма-ён ишлаб, уларнинг бой тажрибасини ўрганишлари, уларнинг юксак маҳоратини эгаллашлари ва шу асосда ўз иш малакаларини оширишлари, иш кўрсаткичларини яхшилашлари лозим. Биз қардош республикаларнинг вакилларидан уй-жойларни сеткали график асосида қуриш маҳоратини ўрганиб олишимиз, уларнинг барча прогрессив ишларини эгаллаб олишимиз лозим.

Коммунал-маиший объектлар қурилишида ҳам жиддий камчиликлар бор.

1959—1965 йилларга мўлжалланган контроль рақамларда кўзда тутилган капитал маблағлар ҳажми ва умуман республика бўйича коммунал қурилиш йиллик планларини бажарган вақтда, махаллий Советлар коммунал объектларини қуришда 3 миллион сўм чамаси маблағ фойдаланилмай қолди. Бу маблағдан шу йиллар мобайнида Қорақалпоғистон АССРда 338 минг сўм (ажратилган маблағнинг 39 проценти), Сирдарё областида 393 минг сўм (ажратилган маблағнинг 50 проценти), Хоразм областида 267 минг сўм (ажратилган маблағнинг 34 проценти) фойдаланилмай қолди.

Қурилиш министрлигининг пудратчи ташкилотлари, область ижроия комитетлари район марказларида ҳаммом, кирхона, меҳмонхона ва водопроводлар қуришга тегишли эътибор бермаганликлари натижасида шундай аҳвол вужудга келди. Ҳаммом ва кирхоналарни ускуналар билан таъминлашга оид масалалар яхши ҳал этилмади.

Республиканинг кўпгина министрликлари ва идораларида ҳам бундай қурилиш иши яхши аҳволда эмас. Қишлоқ хўжалик министрлиги сўнгги 3 йил мобайнидагина коммунал қурилиш учун ажратилган капитал маблағнинг 2 миллион 454 минг сўмидан (33 проценти) фойдаланмади, совхозларда 100 километрдан ортиқ водопровод тармоқлари ва бошқа коммунал иншоотларни фойдаланишга топшира олмади. Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги шу йиллар мобайнида коммунал қурилиш планини 84 процент бажариб, 10,5 километр водопровод ва 8 километр канализация тармоқларини ишга тушира олмади. Энергетика ва электрлаштириш министрлигида, Озиқ-овқат саноати министрлигида ва бошқа бир қанча министрликлар ва идораларда коммунал қурилиш планлари бажарилмаётир.

Қурилиш ташкилотлари тозалаш иншоотлари ва канализация коллекторларини қуришга тегишли эътибор бермаётирлар, бундай қурилишни ишчи кучлари, материаллар ва механизмлар билан яхши таъминлаётирлар. Бунинг натижасида, масалан, Термизда, Урганчда ва Нукусда канализация тозалаш иншоотлари қурилиши бир неча йилларга чўзилиб кетди, 1966 йилда эса Самарқанд шаҳрида шаҳар канализациясини ишга туширш плани барбод этилди.

Коммунал-маиший корхоналар қувватининг каттагина қисмидан белгиланган мақсадда фойдаланилмаётир. Масалан, водопровод сувининг ниҳояти 62 процентигина аҳоли эҳтиёжларига сарфланмоқда. Кўпгина саноат корхоналари ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун водопровод сувидан фойдаланаётганликларидан шундай бўлмоқда. Бунинг устига айрим саноат корхоналари ўзларидаги сув билан таъминлаш манбаларини ёпиб, шаҳар водопроводидан марказий таъминотга ўтмоқдалар. Самарқанд ва бошқа шаҳарларда шундай фактлар борлиги аниқланди. Водопровод сувининг белгиланганидан бўлак мақсадларда сарфланишини қатъий камайтириб, аҳолига беришни кўпайтириш лозим. Шаҳар ва қишлоқлардаги ариқларни тозалаб, тартибга келтириш ҳам муҳим масаладир.

Шаҳар транспорти ишида, айниқса Тошкентдаги транспортда жиддий камчиликлар ҳамон давом этяпти. Шаҳар транспортининг ҳозирги аҳволи аҳоли эҳтиёжларини мутлақо қондирмайди. Ҳаракатдаги состав парки замонавий янги вагон ва машиналар билан тўлдирилганлигига қарамай, сўнгги 8 йил мобайнида пассажирларни трамвай ва троллейбусда ташиш деярли кўпаймади. Бунинг устига шу йиллар мобайнида трамвай-троллейбус хўжалигининг бир қанча иш кўрсаткичлари ёмонлашиб кетди. Бу ерда гап пассажирларнинг йўналиш ва вақтга қараб ҳаракати ёмон ўрганилганлигида, диспетчерлик хизматининг ёмон ишлаётганлигида бўлса керак. Ҳаракатдаги составнинг узоқ-узоқ тўхтаб қолишига йўл қўйилмоқда. Тошкентдаги сингари Самарқандда ҳам троллейбус ва трамвай йўлларининг узунлиги жуда чекланган бўлиб, айниқса узоқ, янги қурилган районларда яшовчи аҳолига нормал хизмат кўрсатишни таъминлай олмаётир.

Аҳолига коммунал хизмат кўрсатишнинг бошқа соҳаларида ҳам қолоқлик бор. Меҳмонхона ва ҳаммомларнинг мавжуд шохобчаси етарли эмас. Бу объектлар ва уларнинг санитария ҳолатига маҳаллий Советлар ва уларнинг ижроия комитетлари етарли эътибор бермаётирлар. Кирхоналарнинг иши айниқса ёмон — кирхоналар фақат бир смена ишлаб, асосан ташкилотлар, корхоналар ва муассасаларнинг кирини ювиб беради.

Қабул қилиш пунктларининг сони етарли эмас. Масалан, Наманганда бундай пунктлар мутлақо йўқ, Андижонда эса ниҳояти битта пункт бор. Бундай шаҳарларда аҳоли амалда кирхоналарнинг хизматидан фойдаланмаётганлиги ва ажабланарли ҳол эмас.

Махсус машина ва механизмлар парки кўпайганлигига қарамай, шаҳарларни санитария жиҳатидан тозалаш қўйилган талабларга жавоб беролмаяпти. Шаҳарларни планли равишда мунтазам тозалаб туришга ўтказиш тўғрисида бир неча йилдан бери гап бораётганлигига қарамай, маҳаллий Советларнинг ижроия комитетлари бу масалани ҳал қилганлари ҳеч йўқ. Етарли миқдорда машиналарнинг йўқлиги бу прогрессив методга асосий тўсиқ бўлиб турибди. Ҳолбуки, мавжуд бундай машиналар паркидан ҳамма ерда фақат бир смена фойдаланилаяпти.

Колхоз ва совхозларнинг коммунал хўжалигини ривожлантириш ҳам ниҳоят муҳим аҳамиятга эга. КПСС XXIII съезднинг беш йиллик план юзасидан директивларида қишлоқда уй-жойлар, мактаблар, болалар боғчалари, ясли-лари, касалхоналар, клублар, кутубхоналар, кинотеатрлар, кирхоналар, новвойхоналар маиший хизмат комбинатлари қуриш юзасидан каттагина ишлар қилиш зарурлиги кўрсатилган. Съезд маҳаллий шароитларни ҳисобга олиб, шаҳар билан қишлоқ турмушининг маданий-маиший шароитларидаги тафовутни йўқотишга доир конкрет тадбирларни ишлаб чиқиш ва шу беш йилликнинг ўзида бундай программани кенг равишда амалга оширишга киришиш боштаб зарур деб ҳисоблади. Бу ерда гап колхоз ва совхоз посёлкаларида капитал ишлар миқёсини кучайтириш тўғрисидагина эмас (қўйилган вазифаларни муваффақиятли бажаришда бу нарса шак-шубҳасиз ҳал қилувчи шарт ҳисобланади), балки қишлоқ посёлкаларини тубдан қайта қуриш тўғрисида бораётир.

Гап эски уй-жой ёки мактаб, магазин ўрнида шундай биноларнинг ўзини қуриш устида бораётгани йўқ. Қуриладиган янги уйларда турмуш ва рўзғор учун энг яхши шароитлар яратилмоғи керак. Айни вақтда бошқа нарса тўғрисида ҳам гамхўрлик қилмоқ керак: янги иморатлар тежамли ва шинам бўлиши, кўзни қувонтириб, қишлоқни кўркам қилмоғи лозим.

Қишлоқда турмуш маданиятини кўтариш учун шаҳарлар билан қишлоқ жойларидаги коммунал хизмат даражаси ўртасида вужудга келган узилишни қатъий бартараф қилиш талаб этилади. Бу эса, қишлоқ жойларда марказлаштирилган сув таъминоти, газлаштириш, ҳаммомлар, кирхоналар ва коммунал хўжаликнинг бошқа объектларини қуриш бўйича зарур қувватларни барпо этиш билан боғлиқдир.

Республика Министрлар Совети 1964 йилнинг мартида қишлоқ жойларда водопроводлар қуриш топшириғини белгилаб берган эди. Аммо бу қарорнинг кўпчилик қисми бажарилмай қолди. Хоразм областида 31 водопровод, Қорақалпоғистон АССРда 24 водопровод қурилиши назарда тутилган бўлса, амалда бу ерларда биронта ҳам водопровод қурилгани йўқ. Сурхондарё областида ҳам аҳвол ана шундай.

Область ижроия комитетлари, қишлоқ хўжалик органлари, колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари водопровод қуришда тегишли сабот-матонат кўрсатган жойларда иш яхши кетяпти. Масалан, Самарқанд областида 32 водопровод ўрнига 39 водопровод қурилди, Андижон областида 29 водопровод қурилди. Фарғона областида 27 водопровод қурилди. Бу эса, планда белгиланганидан 13 водопровод кўпдир.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети билан Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг 1966 йил 9 июнь қарорида кўрсатиб ўтилган қишлоқда уй-жой фондини газлаштириш программасининг амалга оширилиши қишлоқда турмушни қайта қуришда катта аҳамиятга эга бўлади. Бош йиллик мобайнида 3300 километр газ шохобчалари тортилиб, 750 минг квартира, ёки қишлоқдаги барча уйларнинг қарийб 60 проценти газлаштирилмоғи керак. Белгиланган программани бажариш учун 250 минг тоннадан ортиқ қувур ва металл прокат талаб қилинади. Энг муҳими эса, буюртмачи —Коммунал хўжалик министрлигининг пудратчи қурилиш ташкилотлари билан келишиб ишлаши, жойларда партия ва совет ташкилотларининг кундалик ёрдами талаб қилинади.

Афсуски, бу муҳим ишни амалга оширишда баъзи бир қийинчиликлар учради. 1967 йилги планни тузган вақтда қишлоқ жойларни газлаштириш ишини газ саноати министрлигининг пудратчи ташкилотларига топшириш билан боғлиқ бўлган масалалар ўз вақтида ҳал қилинмади.

Маҳаллий совет ташкилотлари қишлоқ жойларни газлаштириш юзасидан белгиланган топшириқларнинг тўлиқ бажарилиши учун ҳамма чораларни кўрмоқлари лозим. Бизда бунинг учун ҳамма имкониятлар мавжуд.

Олтинчи чақириқ Олий Совет сессияси Госстрой билан Қишлоқ хўжалик министрлигига қишлоқлардаги аҳоли яшайдиган пунктларнинг бош планларини тузишни жадаллаштиришни топширган эди. Аммо 1400 колхоз посёлкасидан фақат 503 тасида, 877 совхоз посёлкасидан фақат 95 тасидагина шундай планлар бор. Посёлкаларни бош план асосида қура бошлаш вақти етди. Бу ишни уй-жой ва маданий-маиший объектларни бир вақтда қуришни назарда тутган ҳолда комплекс равишда олиб бормоқ керак.

Лойиҳалаш ташкилотлари ҳамда колхоз ва совхозлар раҳбарларининг эйби билан кўпгина қишлоқ посёлкаларидаги биноларнинг тартибсиз, системасиз қурилмоқда. Госстрой билан Қишлоқ хўжалик министрлиги тегишли чораларни кўриб, биринчи навбатдаги объектлар, шу жумладан, водопровод қурилишини тўхтатиб қўймаслик учун колхоз ва совхоз посёлкаларини қисқа муддат ичида қурилиш схемалари билан таъминламоғи лозим.

Деворбоп материалларнинг етарли эмаслиги қишлоқ посёлкаларини қурилиш суръатини тўхтатиб турибди. Шунинг учун ҳам давлат корхоналарининг қувватларини ошириш билан бирга колхозларнинг ўзида, биринчи навбатда табиий газ билан таъминланган жойларда ғишт пиширадиган печлар қуриш ҳисобига ғишт ишлаб чиқаришни кўпайтириш ниҳоятда муҳимдир.

Аҳолига маиший хизмат кўрсатишни яхшилаш соҳасида кўп ишлар қилинганлигини юқорида айтиб ўтдим. Аммо, айниқса қишлоқ жойларда маиший хизмат даражаси аҳолининг ўсган талабларини қондира олмаётир

1966 йилда республикадаги ҳар бир кишига ўрта ҳисобда 6 сўм 55 тийинлик хизмат кўрсатилган. Қишлоқ аҳолисига кўрсатиладиган хизмат ҳажми шаҳарларданигига қараганда анча камдир.

Аҳолига Маиший хизмат кўрсатиш министрлиги, область, шаҳар ва район Советларининг айрим ижроия комитетлари бу масалага етарли эътибор бермаяптилар. Мана шу сабабдан ҳам кўпгина колхоз ва совхозларда маиший хизмат корхоналари мутлақо йўқ ва аҳолига умуман маиший хизмат кўрсатилмаяпти. 1966 йилда 300 дан ортиқ колхоз ўз аъзоларининг маиший турмуши тўғрисида ғамхўрлик қилиб, устахоналар ва қабул пунктлари ташкил қилиш учун биноларга ажратиб берди. Бир қанча ҳолларда шу мақсад учун янги иморатлар қурилди.

Хоразм областининг Янгиариқ районидаги Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати Аҳмаджон Юсупов бошчилик қилаётган Охунбобоев номли колхозни мисол қилиб келтириш мумкин. Бу ерда ҳаммом қурилган, рўзғор буюмларини ремонт қиладиган, усти-бош ва пойафзал тикадиган ва ремонт қиладиган устахоналар, сартаройлик ташкил қилинган, ободонлаштиришга катта эътибор бериляпти.

Шаҳрисабз районидаги республика Олий Советининг депутати К. Рустамова раҳбарлик қилаётган «Партия XIX съезди» колхози, Ғиждувон районидаги М. Муҳамедов правление раиси бўлиб ишлаётган «Москва» колхози, Ўйчи районидаги И. Шомирзаев раҳбарлигидаги Ленин номли колхоз ва бир қанча бошқа хўжаликлар маиший хизмат тўғрисида катта ғамхўрлик қиляпти. Бироқ, кўпгина колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари бу муҳим ишга тегишли эътибор бермаяптилар, устахоналар ва қабул пунктлари барпо этишга ёрдам кўрсатмаяптилар.

Бир қанча маиший хизмат корхоналарининг ишлаб чиқариш қувватларидан ёмон фойдаланиляпти. Қабул пунктлари сонининг чекланганлиги, етарлича реклама қилинмаслиги ва уст-бошларни тўплаш ва келтириш ёмон ташкил этилганлиги туфайли кўпчилик химиявий — тозалаш фабрикалари қувватининг ярмидан фойдаланиляпти. Пойафзални механизациялашган усулда ремонт қиладиган мавжуд 12 конвейер кўпинча тўхтаб қолмоқда.

Хизмат доирасида банд бўлган ходимлар бепарволик қиладиган ҳоллар ҳам учраб туради, уларнинг ишга пала-партиш муносабатда бўлишлари кишиларга кўпгина кўнгилсизликлар келтирмоқда. «Правда Востока» газета редакцияси ўтган йили газетхонларга «Сизга қандай хизмат кўрсатишяпти?» деган савол ёзилган анкета тарқатди. Келган жавобларнинг анализи кўрсатишича, маиший хизмат корхоналарининг ишидаги асосий камчилик иш сифатининг ёмонлигидан (жавобларнинг 25 проценти), айрим ходимларнинг виждонсизлиги (жавобларнинг 20 проценти), ишнинг паст малакада бажарилганлиги (жавобларнинг 15 проценти), хизмат қилишни рад этиш (жавобларнинг 10 проценти), ижрочиларнинг яхши муомала қилмаганлигидан (жавобларнинг 8 проценти) иборат бўлган.

Бундан чиқадики, маиший корхоналарнинг ишидан газетхонларнинг фақат 22 процентигина маълум даражада қониққан.

Маҳаллий Советлар аҳолига маиший хизмат кўрсатишни яхшилашда ҳал қилувчи роль ўйнайди. Маҳаллий ташаббусни ривожлантириш, хизмат доираси ва ҳажмини кенгайтиришга, барча участкаларда иш сифатини яхшилашга эришиш, кадрларни софдиллик, юксак маданиятли бўлиш, кишиларга эътибор билан қараш руҳида тарбиялаш уларнинг бурчидир.

Маиший хизмат — халқ хўжалигининг муҳим тармоғидир. Бу соҳада хизмат қилиш саноат ёки қишлоқ хўжалигининг ҳар қандай тармоғида хизмат қилишдек фахрлидир. Меҳнаткашларга маиший хизмат кўрсатиш даражасини кўтариш — аслида Ленин васиятларини амалга ошириш демакдир.

Ўтган йили Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети билан республика Министрлар Совети коммунал хўжаликни ривожлантириш ва аҳолига маиший хизмат кўрсатишни тубдан яхшилаш чоралари юзасидан катта программани тасдиқладилар. Беш йил мобайнида коммунал қурилишга ажратиладиган капитал маблағлар ҳажми 649 миллион сўмга боради, бу эса аввалги беш йилдагидан 2,7 баравар кўпдир. Дастлабки 2 йилга ажратилган капитал маблағлар 140 миллион сўмга етиб боради. Шундай қилиб, ундан кейинги 3 йил (1968-1970) мобайнида 509 миллион сўмлик иш бажариш керак бўлади. Кўриб турибсизки, олдимизда энг хилма-хил, оғир ишлар турибди. Коммунал ва маиший қурилиш суръатлари ўтган йилда эришилган даражадан 3 баравар ортмоғи керак.

Юбилей йили вазифаларини муваффақиятли ҳал этиш белгиланган программани бажаришда алоҳида аҳамият касб этади. Бу ерда гап фақат планни бажариш тўғрисидагина эмас, шу билан бирга, келаси йил вазифаларини бажаришга тегишли тайёргарлик кўришнинг таъминлаш тўғрисида ҳам боряпти. Келаси йил вазифаларнинг ҳажми ҳозирги даражадан 1,5 баравар ортади.

Бу соҳадаги асосий вазифаларимиз нималардан иборат?

Кўпгина шаҳарларда фақат муҳандислик тармоқларигина эмас, шу билан бирга маданий-маиший аҳамиятга эга бўлган объектлар қурилиш ҳам уй-жой қуриш суръатларидан орқада қолиб келаётганлиги аниқланди. Қурилган талабларга туфайли шаҳарлардаги бу узилиш секин-аста қисқариб, иморатлар асосан комплекс равишда қурилмоқда.

Янги совхозлардаги коммунал қурилишга келганимизда, бу ерда иш ҳали яхши эмас. Масалан, Қорақалпоғистон АССРда 1965 йилдан бери қурилаётган 9 та шоли-корлик совхозларида ҳаммомлар, касалхоналар, ошхоналар ва бошқа маданий-маиший объектлар йўқ. Шу сабабдан ҳам мазкур хўжаликларда ҳамиша ишчи етишмаётганлиги ажабланарли ҳол эмас. Сурхондарё областидаги Шерободда ҳам аҳвол бундан яхши эмас. Бу ердаги совхозлар комплекс равишда қурилмаётир. Янги посёлкаларни маданий-маиший объектларсиз қабул қилиб олишни ман этмоқ, қишлоқ жойларда коммунал маиший объектлар қурилишини кучайтириш учун имкони бўлган барча чораларни кўриш зарур.

Биринчи навбатда водопроводлар қурилишини кенг миқёсда авж олдириб, яқин йиллар ичида батамом марказлашган усулда сув билан таъминлашга ўтмоқ лозим. Қишлоқда 1970 йилга қадар уй-жой фондининг камида 60 процентини газлаштириш, кўп миқдорда хаммом, кирхона, меҳмонхона ва бошқа маиший хизмат объектларини қуриш вазифаси турибди.

Шаҳарларда, шунингдек қишлоқ жойларда объектларни ўз вақтида техника ҳужжатлари билан таъминлаш белгиланган коммунал-маиший қурилиш программасини муваффақиятли амалга оширишда муҳим шартдир. Шу муносабат билан «Ўзгипрокоммунинжпроект» ва «Ўзгипросельстрой» ҳамда уларнинг филиалларини малакали лойиҳаловчилар билан жиддий мустаҳкамлаш, уларни зарур машина-ускуна ва транспорт воситалари билан таъминлаш керак.

Қурилиш министрлиги билан Қурилиш материаллари министрлиги қувватларни ишга туширишни жадаллаштиришда тегишли тадбирлар кўриб, шу асосда канализация коллекторлари қуриш учун катта диаметрли темир-бетон қувурлар чиқаришни кўпайтиришлари жуда муҳим ишдир. Республика Қурилиш министрлиги тозалаш иншоотларини ишга туширишдаги қолоқликка барҳам бермоғи лозим.

Қишлоқни газлаштириш юзасидан белгиланган иш суръатларини таъминлаш учун «Союзсредазгазпром» тресті қурилиш ташкилотларини механизмлар билан етарли миқдорда таъминлашни тезлаштириш, ҳар йили камида 1000 километр газ тармоқлари ётқизишни ва 150-180 минг квартирани газлаштиришни таъминлашга қодир ишлаб чиқариш базасини барпо этиш эҳтиёжи.

Қувватларни ишга тушириш юзасидан планлаштирилаётган топшириқлар реал бўлиши ва албатта бажарилиши учун область ижроия комитетлари Коммунал хўжалик министрлиги ва Госплан билан биргаликда ҳаммомлар, кирхоналар ва меҳмонхоналарни лойиҳалаш ва моддий таъминлаш юзасидан қилинадиган барча ишларни тартибга солмоқлари лозим. Аҳолига коммунал-маиший хизмат кўрсатиш, халқ хўжалигининг шу тармоқларини янада жадалроқ ривожлантириш тўғрисида ғамхўрлик аҳолининг энг зарурий эҳтиёжларига жавоб беради. Олтинчи чақириқ Олий Совети депутатларига берилган 2114 наказдан 1315 тасини ёки 62 процентини социал-маиший масалалар юзасидан кўйилган наказлар ташкил этганлиги мана шундан далолат беради.

Республика Олий Совети, область, шаҳар ва маҳаллий Советларнинг депутатлари мана шу масалаларни ҳал қилишда кўп иш қиляпти. Лекин уларнинг фаолиятларини кенгайтириш имкониятлари ҳақиқатан бехисобдир. Аҳолига коммунал-маиший хизмат кўрсатишни янада яхшилаш учун кўрашда ҳал қилувчи роль айни шу Советлар зиммасида эканлигини тушунмоқ муҳимдир. Бу хўжаликларга раҳбарлик конкрет бўлиб, коммунал-маиший хизмат ҳажмини кенгайтириш ва сифатини яхшилашга, бунинг учун барча мавжуд резервлардан тўла фойдаланишга қаратилмоғига эришмоқ лозим.

Ўзбекистон меҳнаткашлари Октябрь 50 йиллигини кутиб олар эканлар, зиммаларига оширилган социалистик мажбуриятлар олдилар. Дастлабки иш якунларининг кўрсатишича, бу мажбуриятлар асосан муваффақиятли бажарилмоқда.

Ўзбекистон меҳнаткашлари Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг республика аҳолисига маданий-маиший хизмат кўрсатишни янада яхшилаш тўғрисидаги қарорини ва Олий Совет ҳозирги сессиясининг қарорларини амалга оширар эканлар, халқ хўжалигини ривожлантириш ва халқ фаровонлигини кўтаришда шубҳасиз янгидан-янги муваффақиятларга эришажаклар. Ватанимиз тарихида шонли сана — Совет ҳокимиятининг 50 йиллигини барча совет кишилари сингари республикамиз шаҳар ва қишлоқларининг меҳнаткашлари ҳам коммунистик қурилишнинг барча участкаларида янгидан-янги муваффақиятлар билан кутиб олажакларига шак-шубҳа йўқ. (Қарсаклар).

Ўзбекистон ССР Ол

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ БИРИНЧИ СЕССИЯСИ

ЎРТОҚ Ш. Р. РАШИДОВ ДОКЛАДИ ЮЗАСИДАН МУЗОКАРАЛАР

Ф. Ш. ШАМСУДДИНОВ нутқи

Фарғона область партия комитетининг биринчи секретари

Фарғона область, шаҳар ва район партия комитетлари кейинги йилларда Советларга кўпроқ эътибор бериб, уларнинг роли ва жавобгарлигини ошира бошладилар, энг муҳим масалаларни ҳал этишда ижодий ташаббус ва фаолиятни кучайтирдилар ҳамда бундай ташаббусни қўллаб-қувватламоқдалар.

Советларнинг фаолияти, уларга партия раҳбарлигини кучайтириш масалалари партия комитетларининг бюролари ва пленумларида мунтазам суратда муҳокама қилинмоқда. Партия аппарати ходимлари сессияларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказишда актив қатнашмоқдалар, жойларда амалий ёрдам кўрсатмоқдалар. Буларнинг ҳаммаси ижобий натижалар бераяпти.

Ўз функцияларини яхши бажараётган ва ўз территориясида Совет ҳокимиятининг тўла ҳуқуқли органлари бўлган меҳнаткашлар депутатлари қишлоқ ва посёлка советларининг ижобий ишига доир кўп мисоллар келтириш мумкин.

Аммо кўпгина қишлоқ ва посёлка Советларининг иш даражаси турмуш талабларига ҳали жавоб бермаётир. Улар ўзларига берилган ҳуқуқлардан тўла фойдаланмаётирлар, колхоз, совхоз, корхона ва муассасаларнинг ишига тегишинча таъсир кўрсатмаётирлар.

Область партия комитети қишлоқ ва посёлка Советлари ижроия комитетларининг кадрларини танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялаш масалаларига алоҳида эътибор бермоқда. Партиянинг кишилар билан ишлашда тажриба тўплаган неча ўнлаб обрўли, билимли аъзолари қишлоқ ва посёлка Советларини мустаҳкамлаш учун юборилди.

Меҳнаткашлар депутатлари қишлоқ ва посёлка Советларининг сессиялари ўтказилганидан кейин область партия комитети қишлоқ ва посёлка Советларига ёрдам бериш учун мазкур ходимларнинг бир группасини юборди. Бу ходимлар иш планларини тузишда, ижроия комитет аъзолари ўртасида вазифаларни тўғри тақсимлашда, депутатларнинг сессияларда айтган танқидий мулоҳазаларини ва сайловчиларнинг наказларини амалга ошириш тадбирларини ишлаб чиқишда уларга ёрдам бердилар.

Маҳаллий Советларнинг иш тажрибаси бир қанча проблемаларни ўртага қўяди. Булар тўғрисида ўйлаб кўриш керак. Бир йил ичида шаҳар, район, қишлоқ ва посёлка Советларининг олти сессиясини ўтказиш шарт қилиб қўйилган. Сессияларни бунчалик тез-тез чақириб туриш зарурати йўқ. Сессия материалларини тайёрлаш, кишиларни чақириш учун совет аппарати ходимлари кўп вақт сарф қиладилар. Бу ҳол уларнинг эътиборини ташкилотчилик ишларидан четга тортади. Сессиларни кўп деганда ҳар кварталда бир марта ўтказиб туриш мақсадга мувофиқ бўлур эди. Бундан ташқари маҳаллий совет органларининг ваколат муддатларини республика Олий Советининг ваколат муддати билан бараварлаштириш ва бир вақт ичида, яъни тўрт йилда бир марта, сайлов ўтказиш ҳақидаги таклиф билан юқори органларга мурожаат қилиш даркор бўлмасмикан

Советлар ролининг ошиб бораётганлиги хусусан, қуйи звенодаги совет ходимларини — қишлоқ ва посёлка Советларининг раислари, ўринбосарлари ва секретарларини тайёрлаш ҳамда ўқитиш масаласи устида жиддий ўйлаб кўришни талаб этади.

Ер — халқимизнинг бойлигидир, бинобарин, ернинг ҳар гектарини авайлаб сақлаш ва ҳусусан ундан оқилона фойдаланиш керак. Фақат Советларгина ерларни тасарруф қилишлари керак. Қишлоқ хўжалигини бошқариш органларини ўз территориясида давлат ҳокимиятининг ваколатли органлари бўлган меҳнаткашлар депутатлари район Советлари ихтиёрига топшириш масаласини ҳал этиш пайти келган. **(Қарсаклар).**

Депутат Х. ҲАСАНОВА нутқи

Косон район Ленин қишлоқ Советининг раиси

Қишлоқ ва посёлка Советларининг роли ҳамда обрўсини ошириш масаласи муҳим аҳамиятга эгадир. Қишлоқ ва посёлка советлари ҳокимият органларининг қуйи ва энг оммавий бўғинидир. Улар кенг меҳнаткашлар оммаси билан бевосита алоқа боғлайдилар. Партия ва ҳукумат қарорларининг амалга оширилиши кўп жиҳатдан уларга боғлиқдир.

Қишлоқ ва посёлка Советлари олдида катта вазифа турибди. Бу вазифаларни Советларнинг ташкилий оммавий ишини яхши йўлга қўйиш, сессияларнинг ролини ошириш, доимий комиссиялар, депутатларнинг активлигини кучайтириш йўли билан ҳал этиш керак.

Кейинги вақтларда бизда Ўзбекистон ССР конституцияси ва маҳаллий Советлар ҳақидаги низом қоидаларига қаттиқ риоя қилинмоқда. Сессиялар мунтазам ўтказилаяпти ва уларда маҳаллий ҳаётга доир муҳим масалалар муҳокама қилиняпти. Аммо шундай бўлса ҳам бу ишда кўп камчиликлар бор. Баъзи қишлоқ Советларининг ижроия комитетлари сессияларни ўз вақтида чақирмайдилар, сессиялар ҳамиша ҳам зўр ишчанлик билан ўтаяпти, деб бўлмайди. Баъзи депутатлар эса умуман, масалаларни муҳокама қилишда қатнашмаётирлар.

Қишлоқ ва посёлка Советларининг ишини яхшилаш кадрларга кўп жиҳатдан боғлиқдир. Яқинда ўтказилган дастлабки сессияларда билимли ва меҳнатсевар ўртоқлардан кўпи қишлоқ ва посёлка Советларининг раислари ҳамда секретарлари қилиб сайланди. Лекин шундай бўлса ҳам кадрлар проблемаси ҳали ҳал этилмаган. Ҳозирги вақтда қишлоқ Советининг ходимидан юксак маданиятли бўлиш, депутатларнинг ҳамда доимий комиссияларнинг ишини уюштира билиш ва уларга йўл-йўриқ кўрсатиш талаб этилади.

Лекин қишлоқ ва посёлка Советлари ижроия комитетлари раислари ва секретарларини ўқитиш ишлари ҳали кўнгилдагидек уюштирилмаган. Областларда ҳар йили ўтказиладиган семинарлар бу вазифани тўлиқ ҳал эта олмайди. Республика Министрлар Совети ҳузуридаги қишлоқ ва посёлка советлари раислари курсларига кўпроқ киши қабул қилиш, область ижроия комитетлари ҳузурида ҳозирги чақириқ Советларининг бутун ваколат муддатида Советларнинг ходимларини қайтадан тайёрлаш область мактабларини ташкил этиш тўғрисида ўйлаш керак.

Қишлоқ ва посёлка Советларининг ходимлари учун айниқса ўзбек тилида қонунларга доир справочниклар жуда кам нашр этилмоқда. Бизнинг матбуотимиз энг яхши қишлоқ Советларининг иш тажрибаларини етарли даражада кўрсатиб бермаётир. Советларнинг иши тўғрисидаги брошюра ва китоблар онда-сонда учраб туради. **(Қарсаклар).**

В. Т. БОНДАРЕНКО нутқи

Сирдарё область, Сирдарё районидаги «Бахт» посёлка Советининг раиси

Бошқа ҳамма маҳаллий Советлар каби меҳнаткашлар депутатлари «Бахт» поселка Совети ҳам соғлиқни сақлаш ишларини, аҳолига маиший хизматни яхшилаш, халқ маорифига ва посёлкани обод қилиш масалаларига кўп эътибор бермоқда. Саноат, соғлиқни сақлаш ва социалистик қонунчиликни мустаҳкамлаш масалалари билан шуғулланувчи доимий комиссияларнинг эўр ғайрат билан ишлаётганлиги туфайли, шунингдек кўп депутатларнинг ташаббуси билан корхоналарда, транспортда ва қурилишда маданиятни юксалтириш ҳамда меҳнат шароитларини, хавфсизлик техникасини яхшилаш соҳасида кўп иш қилинди. Бу чора меҳнат унумдорлигини оширишга ёрдам берди.

Посёлка Советининг депутатлари, доимий комиссиялар ва посёлка ижроия комитетининг ўзи корхона ва муассасаларнинг, жамоат ташкилотларининг раҳбарларини жалб этиш йўли билан хўжалик ҳамда маданий қурилишни янада яхшилаш имкониятларини ўрганиш ва бу соҳадаги тадбирларни ишлаб чиқиш борасида кўп иш қилдилар.

Совет ҳокимиятининг юбилей йилида дорихона биносини, икки қаватли иккита маиший хизмат кўрсатувчи комбинатни, ётоқхонани, универмагни ва бир квартиралик 10 уйни фойдаланишга топшириш, иккита болалар комбинатини, стадион, сузиш ҳавзасини кенгайтириш ва обод қилиш ҳам мўлжалланди.

Посёлка кўчалари ва ҳовлиларини кўкаламзорлаштириш ҳамда ободонлаштириш ишларини тугаллаш кўзда тутилди.

Кўриб турибсизларки Советларнинг иш доираси тобора кенгайиб бормоқда.

Қишлоқ ва посёлка Советлари раҳбарларидан кўпининг фикрича ва бизнинг фикримизча, Советларга хўжалик ва маданий қурилишга доир бир қанча масалаларни ҳал этиш ҳуқуқини бериш зарур. Колхоз ва совхозларнинг ишлаб чиқариш — молия планларини даставвал қишлоқ ва посёлка Советларининг ижроия комитетларида муҳокама қилиш ва бу планларга тузатиш киритилиб, улар маъқуллангандан кейин район ижроия комитетининг узил-кесил тасдиғига топшириш, шунингдек мактаблар, медицина муассасалари, мактабгача тарбия муассасалари ва маҳаллий бюджет қарамоғида бўлган бошқа муассасаларни пул билан таъминлаш ишларини қишлоқ посёлка Советлари ихтиёрига топшириш яхши натижа берган бўлур эди. Мактаб директорлари ва уларнинг ўринбосарларини тайинлаш ва тасдиқлаш масаласини қишлоқ ва посёлка Советлари билан келишиб олиш керак. Бундан ташқари меҳнаткашлар депутатлари посёлка Советларининг контроль қилиш функцияларини кучайтириш зарур. Район ва шаҳар ижроия комитетларидаги ташкилий-инструкторлик бўлимларини ҳам тиклаш керак. **(Қарсаклар).**

Депутат Х. ХУДОЙБЕРГАНОВА нутқи

Хева шаҳар ижроия комитетининг раиси

КПСС Марказий Комитетининг қарори меҳнаткашлар депутатлари қишлоқ ва посёлка Советларигагина эмас, балки шаҳар Советларига ҳам тааллуқлидир. Қишлоқ ва посёлка советлари каби шаҳар Советлари ҳам давлатни бошқаришга халқ оммасини жалб этиш соҳасида катта иш қилмоқдалар.

Хева шаҳар совети ижроия комитети аппаратида фақат иккита штатли ходим ишламоқда. Лекин шунга қарамай биз Совет олдида турган вазифаларни муваффақиятли ҳал этмоқдамиз. Бунга сабаб шуки, биз ўз ишимизда жамоатчиликка таянмоқдамиз. Ижроия комитетнинг штатсиз бўлимлари ташаббуси билан, жамоатчилик кучи билан кўп иш қилинди. Муҳокама қилинган масалаларнинг қарийб 85-90 процента штатсиз бўлимларнинг ходимлари томонидан тайёрланди ва бу ходимлар қарорларнинг ижросини контроль қилиб турдилар.

Маҳаллий Советларнинг эҳтиёжлари тўғрисида бир неча сўз айтмоқчиман.

Маҳаллий бюджет даромад қисмининг ошириб бажарилиши натижасида қишлоқ Советлари ихтиёрига талайгина маблағ тушмоқда. Аммо лимитлар бўлмаганлиги орқасида қишлоқ Советлари бу маблағлардан тўла фойдалана олмаётирлар. Лимит масаласини ҳал этиш ва маҳаллий Советларнинг ана шу маблағдан тўла фойдаланиб, зарур жиҳозларнинг ҳаммасини сотиб олишлари учун имконият яратиб бериш керак.

Область Советлари ҳузурида қишлоқ Советлари секретарларининг малакасини ошириш семинарларини ташкил этиш зарур.

Қишлоқ Советлари ўз территорияларига газлаштирилган барча хўжалик, молия ва ер масалаларини мустақил ҳал этиш, шунингдек колхозларнинг хўжалик планларини қараб чиқиш ҳуқуқидан фойдаланишлари лозим. Гражданларнинг уй-жой қуришлари учун ер участкаларни ажратиб бериш ҳуқуқи ҳам қишлоқ Советларига берилиши лозим. Қишлоқ Советлари учун замонавий идора бинолари қуриш, уларни транспорт билан ҳам таъминлаш даркор.

Хева — қадимий ёдгорликлари кўп бўлган ва Совет ҳокимияти йилларида ривожланиб бораётган навқирон шаҳардир. Бу шаҳарда неча ўнлаб саноат корхоналари, қурилиш ва транспорт ташкилотлари, алоқа муассасалари, ўрта махсус ўқув юртлари ва умумий таълим мактаблари бор. Тарихий-революция музейи ва бошқа маданий ўқартув муассасалари ишлаб турибди. Шаҳар аҳолиси йил сайин кўпаймоқда. Хева туризм шаҳри бўлиб қолди. Шаҳардаги тарихий ёдгорликлар ва диққатга сазовор жойлар Ватанимизнинг ҳамма қисмидан келаётган туристларнинг, шунингдек чет эллик меҳмонларнинг эътиборини ўзига жалб этмоқда. Шуни ҳисобга олиб, бизнинг шаҳримизга кўпроқ эътибор бериш керак. **(Қарсаклар).**

Депутат Х. МАМАЖОНОВ нутқи

Андижон область, Ленин район партия комитетининг биринчи секретари

КПСС Марказий Комитетининг «Меҳнаткашлар депутатлари қишлоқ ва посёлка советларининг ишини яхшилаш тўғрисида»ги қарори Ленин районидаги район, посёлка Советлари ва барча қишлоқ Советларининг сессияларида муҳокама қилинди. Депутатлар бу қарорни якдиллик билан маъқуллаб, қўллаб-қувватладилар ва уни бажариш юзасидан амалий тадбирларни белгиладилар.

Партия органлари қишлоқ Советларининг ташкилий-оммавий ишини бутун чоралар билан яхшилашни, уларнинг ролини, корхона ва колхозлар фаолиятининг натижаларига таъсирини ошириш, меҳнаткашларга хизмат кўрсатиш соҳасидаги ишлар учун совет органлари ходимларининг жавобгарлигини кучайтиришни ўз вазифаси деб биладилар.

Бунда гап аввало қишлоқ ва посёлка Советларини кадрлар билан мустаҳкамлаш тўғрисида бориши керак. Яхши тайёрланган, ташкилотчилик ишлари соҳасида катта тажриба тўплаган кишиларгина партия Марказий Комитети томонидан советлар олдига қўйилган масъулиятли вазифаларнинг бажарилишини таъмин эта оладилар. Ҳозирги вақтда қишлоқ ва посёлка Советлари ходимларини қайтадан тайёрлаш, уларнинг ишчанлик малакасини ошириш — жуда муҳим масаладир. Ленин районда совет ходимлари район мактабини ташкил этиш, «Депутат кунлари»ни ўтказишга жиддий эътибор бериш мўлжалланади

Шу билан бирга қишлоқ Советларининг ҳуқуқларини янада кенгайтириш зарур эканлигини таъкидлад ўтмай бўлмайди. Давлат ҳокимиятининг органлари бўлган қишлоқ Советлари ўз территорияларида ерни тасарруф қилишда катта ҳуқуққа эга бўлишлари керак. Йўқ дегандан улар якка тартибда уй-жой қуриш учун ер участкаларини ажратиб бериш каби масалаларни узил-кесил ҳал этишлари мумкин. Шу мақсадда бинокорлик материаллари ажратиб бериш ва уларни тақсимлаш ҳуқуқини ҳам бериш керак.

Қишлоқ ва посёлка Советларининг моддий базасини жиддий суратда мустаҳкамлаш ва улар учун бир қанча йил мобайнида солиқлардан ажратиб бериладиган маблағларнинг қатъий ставкаларини белгилаш лозим. Бу чора уларнинг бюджет ижросидан манфаатдорлигини оширади.

Гражданларни қишлоқ хўжалик солиғини тўлашдан озод қилиш, кўп болали оналарга бериладиган давлат нафақаларини расмийлаштириш тартибини ихчамлаштириш мумкин, деб ўйлаймиз. Бизнинг фикримизча қишлоқ ва посёлка Советлари бу масалаларни узил-кесил ҳал эта оладилар. **(Қарсаклар).**

Д. ҚОЛИБОЕВ нутқи

Оржоникидзе районидаги Искандар посёлка Совети ижроия комитетининг раиси

КПСС Марказий Комитетининг меҳнаткашлар депутатлари қишлоқ ва посёлка Советларининг ишини яхшилаш тўғрисидаги қарори партиямизнинг халқ ҳокимияти маҳаллий органлари тўғрисида ғамхўрлик қилаётганлигининг ёрқин ифодаси, Советлар тўғрисида ленинча ғояларнинг турмушда конкрет татбиқ этилишидир. Қарор Советимизнинг сессиясида муҳокама қилиниб, уни барча депутатлар қизғин маъқулладилар. Бу қарор посёлка Советининг ишини активлаштиришга, хўжалик ва маданий қурилиш планларининг бажарилишига таъсирини кучайтиришга ёрдам берди.

Искандар посёлка Советимиз территориясида 37 корхона, ташкилот, муассаса ва бир колхоз бўлиб, 25 минг киши яшайди.

Посёлка Совети составида 124 депутат бўлиб, Совет ўз ишларини шулар орқали ташкил қилади. Корхона, муассаса, колхоз, ёрдамчи хўжалик раҳбарларининг Совет ҳокимиятининг юбилейини муносиб кутиб олиш юзасидан планлар ва социалистик мажбуриятларни, шунингдек сайловчилар берган наказларни қандай бажаётганликлари тўғрисидаги докладлари ижроия комитетнинг кенгайтирилган мажлисларида систематик равишда тингланиб турилади.

Ҳозир посёлкаларни ободонлаштиришга катта эътибор берилаяпти. Бу йил янги йўллар очилди, маиший хизмат комбинати, 3 та магазин фойдаланишга топширилди, ярим миллион тупдан ортиқ дарахт кўчати ўтказилди.

Посёлка Совети ижроия комитети маданий-ўқартув муассасаларининг иши билан доимо қизиқиб туради. Ижроия комитет ва сессия мажлисларида кутубхона ва клубларнинг ҳисоботлари тингланади. Товоқсойдаги кутубхонада хотин-қизлар учун халқ университети очилди.

Посёлка Советининг ижроия комитети Совет ҳокимиятининг юбилейини муносиб кутиб олиш юзасидан қилинадиган тадбирларни ишлаб чиқди. Байрам шарафига барча саноат корхоналари ва муассасалар ошириляпти ва мажбуриятлар олдилар.

Аммо посёлка Советининг ишида қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ривожлантиришга таъсири ошди, улар аҳолига маданий-маиший ,савдо-сотиқ ва медицина хизмати кўрсатиш масалаларига кўпроқ эътибор берадиган бўлиб қолдилар. Пайариқ районидаги Оққўрғон қишлоқ Советининг иш тажрибаси бунга мисол бўла олади.

Шу билан бирга, КПСС Марказий Комитети қарорида қишлоқ ва посёлка Советларининг фаолияти юзасидан қайд этилган камчиликларнинг индивидуал қурилиши учун ер участкалари ажратиш масалаларини ҳал қилиш ҳуқуқини бериш керак. Посёлка Совети ижроия комитети ҳузурида маъмурий комиссия тузиш лозим.

Республика Олий Совети сессиясини Искандар посёлка Советининг депутатлари Совет ҳокимияти юбилейини муносиб кутиб олиш учун бутун куч-қувватларини аямажаклар, сайловчиларнинг барча наказларини бажаришга эришадилар деб ишонтиришга рухсат бергайсиз. **(Қарсаклар).**

Депутат А. А. ХЎЖАЕВ нутқи

Самарқанд область ижроия комитетининг раиси

Ўртоқ Ш. Р. Рашидов ўз докладида КПСС Марказий Комитети қишлоқ ва посёлка Советлари ишини яхшилаш тўғрисида қабул қилган қарорнинг аҳамиятини ҳар томонлама ва чуқур очиб берди, бу қарордан келиб чиқадиган вазифалар тўғрисида муфассал гапирди. Қишлоқ ва посёлка Советлари турмушининг барча томонларини активлаштириш программаси бўлган бу ҳужжат хўжалик ва маданий қурилиш вазифаларини бажариш ва давлат ишларини бошқаришга оммани жалб этишдаги ролини янада юқори кўтаради.

Самарқанд область Совети ижроия комитети партия органлари билан биргаликда, партия қарорларига амал қилган ҳолда Советларнинг ролини кўтариш, уларнинг бутун фаолиятини яхшилаш юзасидан муайян иш қилди. Сўнгги вақтлар область ижроия комитетининг мажлисларида Каттақўрғон район ижроия комитетининг қишлоқ Советларига раҳбарлик қилиши тўғрисида, Нурота район маҳаллий Советининг иши тўғрисида, Нарпай райони депутатлари ва депутатлар группаларининг фаолияти тўғрисида, Самарқанд район ижроия комитетининг иш услуби ва методлари тўғрисида, Ленин қишлоқ ва Қўйтош посёлка Советларининг иши тўғрисида ва бошқа масалалар муҳокама қилинди.

Область партия ва совет органлари қишлоқ ва посёлка Советларининг иш шароитларини яхшилаш юзасидан чоралар кўрдилар. Уларнинг кўпларига янги бинолар ажратилиб, транспорт, инвентарь сотиб олиш, биноларни ремонт қилиш учун маблағлар чиқаришди.

Қишлоқ ва посёлка Советлари раҳбар кадрларининг сифат состави анчагина яхшиланди. Сўнгги вақтларда қишлоқ ва посёлка Советларининг олий ва тугалланмаган олий маълумоти бўлган раислар сони бир ярим баравар кўпайди. Улар орасидаги хотин-қизлар эса қарийб 20 процент кўпайди. Қишлоқ ва посёлка Советлари ижроия комитетларининг раис ўринбосарлари ва секретарлари ўртасида ҳам шундай аҳволни кўриш мумкин.

Маҳаллий Советларнинг ижроия комитетлари раҳбар кадрларни ва кенг совет активини ўқитишга, энг яхши тажрибаларни пропаганда қилишга кўпроқ эътибор бера бошладилар. Қишлоқ ва посёлка Советларининг раислари, раис ўринбосарлари ва секретарлари билан тўрт марта семинар ўтказилди.

Шу тадбирларнинг ҳаммаси натижасида маҳаллий Советларнинг фаолияти активлашди, мустақил иш кўриши кучайди, саноат ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ривожлантиришга таъсири ошди, улар аҳолига маданий-маиший ,савдо-сотиқ ва медицина хизмати кўрсатиш масалаларига кўпроқ эътибор берадиган бўлиб қолдилар. Пайариқ районидаги Оққўрғон қишлоқ Советининг иш тажрибаси бунга мисол бўла олади.

Шу билан бирга, КПСС Марказий Комитети қарорида қишлоқ ва посёлка Советларининг фаолияти юзасидан қайд этилган камчиликлар ва нуқсонлар бизнинг областимизга ҳам хосдир. Советларнинг сессиялари ҳамиша етарли савияда ўтказилаётгани йўқ, қабул қилинган қарорларнинг бажарилиши бўш контроль қилинади.

Сессияда баъзи мулоҳаза ва таклифларимни айтиб ўтишни зарур деб ҳисоблайман. Ҳозирги вақтда колхозларнинг ҳисоботлари ва совхозларнинг баланслари район ижроия комитетлари, коллегиялари, бошқармалари ва трестларида тасдиқланади. Шу ҳуқуқларни қишлоқ Советларига берилса тўғрироқ бўларди. Қишлоқ Советларига индивидуал қурувчилар учун, шунингдек маданий-маиший ва ишлаб чиқариш объектлари қуриш учун ер участкалари ажратиб бериш ҳуқуқини ҳам бермоқ керак. Шундай қилинса, қишлоқ Советларининг роли ва масъулияти, шак-шубҳасиз, кўтарилади.

Самарқанд области маҳаллий Советларининг партиямиз қабул қилган ажойиб қарор билан руҳданган 10 минг кишилик депутатлар армияси қўйилган вазифаларни муваффақият билан бажаражагига ҳеч қандай шубҳа йўқ. **(Қарсаклар).**

С. ТУРЕМУРАТОВ нутқи

Қорақалпоғистон АССР, Кўнғирот районидаги Охунбобоев овул Советининг раиси

Меҳнатка ш л а р депутатлари Охунбобоев овул Совети ва унинг ижроия комитети кейинги йилларда ўз ишларини анча яхши йўлга қўйдилар ва бир қанча муваффақиятларни қўлга киритдилар. Ўтган йили овул Советининг сессиялари белгиланган муддатларда ўтказилди. Бу сессияларда қишлоқ ҳаётига доир муҳим масалалар муҳокама қилинди.

Овул Совети территориясида колхоз ва совхоз посёлкалари қуриш ва обод қилиш, уларда совхоз ишчилари ва колхозчиларни жойлаштириш, хутор системасини тугатиш соҳасида анча иш қилинди.

Кейинги икки йил ичидагина 240 оила шаҳар типидаги янги уйларга кўчирилди, неча юзлаб хўжалик электр чироқлар билан таъминланди ва уларнинг уйлари газ билан ситила бошланди. Бу йил яна беш юз оила янги уйларга кўчирилади. Юбилей йилида маҳаллий бюджетлар ва совхозларнинг маблағлари ҳисобига жамоатчилик иштироки билан типовой болалар боғчалари, клублар ва бошқа жамоат бинолари ҳамда коммунал объектлар қурилади.

Ҳар бир депутатнинг ролд ва обрўсини ошириш — маҳаллий Советларнинг фаолиятини яхшилашнинг ҳал қилувчи шартларидан биридир. Бу йил Охунбобоев овул Советига 74 депутат сайланди. Булар совхоз ишлаб чиқаришнинг донгдор кишилари, энг яхши пахтакорлар ва чорвадорларидир. Улар ўзларининг амалий ишлари билан сайловчиларнинг юксак ишончига сазовор бўлдилар. Депутатларимиздан кўпининг номи овул Совети аҳолиси ўртасидагина кенг маълум бўлиб қолмай, балки уларнинг номи бутун районда ҳам ҳурмат билан тилга олинмоқда.

Охунбобоев овул Советида депутатларнинг фаолиятини такомиллаштириш масаласи кескин қилиб қўйилди. Район Совети ижроия комитети ҳузурида совет активларининг доимий мактаби мунтазам ишлаб турибди. Бу мактабда совет қурилиши масалалари юзасидан машғулотлар ўтказиляпти. Райондаги овул Советларида ҳар икки ойда бир марта «Депутат кунлари» ўтказиляпти.

Қишлоқ ва посёлка Советларининг ишини янада яхшилаш учун меҳнаткашлар депутатлари қишлоқ Советлари тўғрисидаги Низомни қайтадан кўриб чиқиш ва уларнинг ҳуқуқларини анча кенгайтириш керак. **(Қарсаклар).**

Редактор М. ҚОРИЕВ.

ДУНЁМИЗДА

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

ХХ АСР ҚАРОҚЧИЛАРИ

САН-ХОСЕ. Шимолий Америка қароқчилари Марказий Америкадан ҳайдаб юборилганлигининг 111 йиллиги муносабати билан бу ерда Коста-Рика ёшларининг митинги бўлиб ўтди. Халқлар ўртасида бирдамлик миллий комитетининг раиси Арнольдо Феррето митингда сўзга чиқиб, шундай деди: «Бизлар бу санани нишонлаётган бир вақтда Пунта-Дель-Эстеда Шимолий Америка империализми зўравонлик билан Латин Америкаси халқлари билан тенг ҳуқуқли бўлмаган битимлар тузишга ва Америка мамлакатлараро қуролли кучлар вужудга келтиришга уринмоқда».

Феррето айтдики, Америка мамлакатлараро қуролли кучлар ҳозирги замон қиёфасига кирган нечаги қароқчиларнинг ўзидир.

«АҚШ МАРКАЗИЙ РАЗВЕДКА БОШҚАРМАСИ ТИНЧЛИК УЧУН ХАВФ ТУҒДИРМОҚДА»

ҚОҲИРА. АҚШ Марказий разведка бошқармасининг студентлар ташкилотларидаги қўпорувчилик фаолиятини фош қилишга бағишланган халқаро семинар ишида 20 дан ортиқ мамлакат студентларининг вакиллари қатнашмоқда.

Семинар кун тартибида империалистни сиёсат ўтказишда Америка молия ташкилотлари роли тўғрисида. АҚШнинг Африка қитъасига суқилиб кириши тўғрисида ва Америка разведкасининг студентлар ва ёшлар ташкилотларини бузиш мақсадидаги уринишлари тўғрисидаги докладлар бор.

МАҚОЛА УЧУН ШТРАФ

ПАРИЖ. Барселонада чиқадиган ҳафталик «Дестино» журналининг директори Нестор Лухан Барселона университети студентларининг Пабло Пикассо ижодига бағишланган йиғилиши тўғрисида ёзган мақоласи учун 50 минг песета штраф солинди. Франс Пресс агентлиги ана шу ҳақда хабар беради.

(ТАСС).

АГРЕССОРЛАРНИНГ ТАЛАФОТИ КЎПАЙМОҚДА

ХАНОЙ, 13 апрель. (ТАСС). ВИА агентлиги Озодлик агентлигининг маълумотига асосланиб қуйидагиларни хабар қилади: Жанубий Вьетнам Озодлик армиясининг қисмлари шу йилнинг дастлабки уч ойи давомида Американинг 500 га яқин самолётини ва турли типдаги вертолётини уриб туширдилар ва шикастлантирдилар.

Жанубий Вьетнам ватанпарварлари Тайнинь, Куангви ва Тхиа-Тиен вилоятларида агрессорлар авиациясига қарши курашда айниқса катта муваффақиятларга эришдилар.

САВДО-СОТИҚНИ КУЧАЙТИРИШ ЗАРУР

ВАШИНГТОН, 13 апрель. (ТАСС). АҚШ давлат секретари вазифасини бажарувчи Катценбах социалистик мамлакатлар билан савдо-сотиқни кенгайтиришни ёқлаб чиқди.

Катценбах вакиллар палатасининг валюта ва банклар масалалари билан шуғулланувчи комиссиясига юборган мактубида «АҚШ Шарқ билан Ғарб ўртасида савдо-сотиқни кенгайтириш йўли билан халқаро муносабатларни яхшилашнинг реал имкониятларидан ўзини маҳрум қилса, бу бефарқатлик бўлур эди» деб ёзади.

«Агар биз Шарқий Европа мамлакатларига тинчлик мақсадлардаги товарларни сотмасак, дейилади Катценбах мактубида, бу ишни бошқалар амалга оширади. Агар биз Шарқий Европа билан савдо-сотиқ қилишимизга ҳалақит берадиган тўсиқлар вужудга келтирсак, бизлар савдо-сотиқ имкониятларини қўлдан бой берган бўламиз ва Шарқий Европа товарларни бошқа мамлакатлардан сотиб олади».

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

РАДИО БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

8.25 — Қўшиқлар, 9.30 — «Ялла» концерти, 9.45 — «Пахта далалари азаматлари» (тож), 10,10 —Духовой оркестр чалади, 10.30 — Концерт (Андижон область театр артистлари), 11.10 — «Янги кишини тарбиялаш — муҳим масала» (суҳбат), 11,25—С. Қобилова куйлайди, 12.15 — Спорт (рус.), 12.30 — Қўшиқлар, 13.30 — Урал халқ хорининг концерти, 16.10 — Концерт (ёшларнинг талабларига мувофиқ), 17.20 — Уйғур куйлари, 18.10 — Балетлардан куйлар, 18.30 — «Ёшлик» радиостанцияси, 19.20 — Озарбайжон куйлари, 20.00 — «Октябрь» радиостанцияси, 20.40 — Концерт, 21.25 — Концерт (пахтакорлар учун), 22.10 — «Қишлоқ радиоклубида», 23.20 — Эстрада концерти.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Ўзбек тилида: 16.55 — **Эшитгиришлар программаси**, 17.00 — **Эпчил қиз** (болалар учун теленинсценировка), 17.30 — **Телевизион янгиликлар**, 17.45 — **Студентлик — олтин даврим** («Ёшлик» студияси), 18.35 — **Телевизион янгиликлар**, (рус тилида): 18.45 — **Кувноқ куй ва рақслар.**

19.30 дан — **Москва кўрсатади.**

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

16.15 дан — **Москва кўрсатади.**

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

Рус тилида: 19.30 — **Здоровье** (илмий-оммабоп эшиттириш), 20.10 — **Чет эл эстрада куйлари.**

Ўзбек тилида: 20.50 — **Телевизион янгиликлар**, 21.00 — **Экран қўшиқлари, рақслари ва саҳналари**, 21.40 — **Маҳаллада дув-дув гап** (кинокомедия).

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРДА — 15/IV да **Дилором**, 16/IV да кундуз **Этик кийган Мушук**, кечқурун **Травиата.**

ҲАМЗА НОМЛИ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 15/IV да **Парвона**, 16/IV да кундуз **Оқ кабутар**, кечқурун **Улимдан кучли.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА— 15/IV да **Угил уйлантириш**, 16/IV да кундуз **Катта концерт**, кечқурун **Гули сиёҳ.**

Тошкент давлат циркида — Катта цирк томошалари. **Ҳиндистон филлари аттракциони.**

КИНО

Кавказ асираси — НАВОИЙ номли, «ЎЗБЕКИСТОН», СОБИР РАҲИМОВ номли, «ЧАЙКА», «СПУТНИК», «ВОСТОК» (кундуз ва кечқурун), «МИР» (кундуз соат 3 ва кеч 7 да).

Мен севган киши — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», «ФЕСТИВАЛЬ» (кундуз ва кечқурун), «МОСКВА» (эрталаб соат 10, кундуз 12 ва 2 да).

Жазда фақат қизлар (тоқ соатларда), **«Дербент» таннери** (жуфт соатларда) — «ДРУЖБА».

Севги байрами — «МИР» (эрталаб соат 11, кундуз 1, 5 ва кеч 9 да).

Уч бақалоқ — «ЧАЙКА» (эрталаб соат 10, кундуз 12 ва кеч 10 да).

Ёш ўқитувчи саргузашти — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз соат 2, кеч 6 ва 9-45 минутда).

№ А — 89. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бирлашган нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри. Индекс 64543. Р. 00844